

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

www.ishonch-doverie.uz // O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

2011-yil 9-iyun № 71-72 (2953) payshanba

## Истиқлол гунчалари кўрик-танлови якунланди

Репортаж



Марказий темирйўлчилар маданият саройи байрамона безатилган. Капалаклар мисол эгнига турфа либослар кийиб олган қақажон болажонларнинг шодон қий-чуви шуқух тўла дилларга ором беради. Истиқлол яйратиб, яшнатиб қўйган болакайларга қараб барчанинг ҳаваси келади. Зеро, бу ерда мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб касаба уюшмалари тизимидаги маданият муассасалари болалар бадий жамоалари ўртасида «Истиқлол гунчалари» кўрик-танловининг якуний босқичи ўтказилмоқда.

\*\*\*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш билан бир қаторда ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандлари маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказишда ҳам тизимли ишлар йўлга қўйилаётгани бугунги тадбир мисолида ёрқин акс этаётди. Айтиш жоизки, тизимдаги ҳамда корхона ва ташкилотлар қошидаги 59 та маданият муассасасида 294 та бадий ҳаваскорлик жамоаси бўлиб, шундан 204 таси болалар бадий жамоаларидир. Уларда 5 мингга яқин бола санъатнинг турли жанрлари бўйича машғулотларга қатнашади. (Давоми 16-бетда)



## Конференция

# Оптималлашув жараёни

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Қашқадарё вилоят вакиллик конференцияси бўлиб ўтди.

Унда ташкилий масала кўриб чиқилди. Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ҳамда автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашлари вакилликлари негизда транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташкил этилди. Кенгаш тафтиш комиссияси ва раёсат аъзолари ҳам сайланди.

Бундан буён Боймурод Мейлиев вилоят кенгашининг раиси вазифасини ижро этадиган бўлди.

\*\*\*

**Қашқадарё вилоят истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.**

Йигилишда Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоят ҳамда савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят вакилликлари бирлаштирилиб, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташкил этилди.

Шунингдек, конференцияда кенгаш аъзолари, тафтиш комиссияси ҳамда 7 кишидан ташкил топган раёсат аъзолари сайланди.

Илҳом Омонов вилоят кенгаши раиси этиб бир овоздан маъқулланди.

Ўз мухбиримиз

## Кучлар бирлашса имкониятлар ҳам кенгаяди

**Мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотларга янада кўпроқ ҳисса қўшиш мақсадида ташкилий ҳамда молиявий жиҳатдан кучли касаба уюшма ташкилотларини барпо этиш кўннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Шундан келиб чиққан ҳолда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.**

Енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси ҳамда Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашлари негизда Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашини таъсис этиш тўғрисидаги масала конференция иштирокчилари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Анжуманда, шунингдек, ташкилий масала ҳам кўрилди. Зиёдулла Худойбердиев янги тuzилган шаҳар кенгашининг раиси, Омонулла Сафоев кенгаш раиси муовини этиб сайланди.

Шаҳар кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзолари ҳам тасдиқланди.

Ўз мухбиримиз


## Ижтимоий муҳофаза

Қия очик эшикдан аёл киши мўралайди. Ичкаридан:

— Кираверинг, ҳали ҳужжатларингиз тўғри бўлмадими? Нима камчилиги бор экан? — деган овоз эшитилади.

Аёл раҳбарнинг очик муомаласидан дадилланиб, ҳужжатларига дахлдор керакли бир маълумотномани олишда ёрдам беришини сўрайди. Бўлим бошлиғи Нурой Эргешова мулойимлик билан:

— Хавотир олманг, ўша маълумотнома эртагаёқ кўлингизда бўлади. Телефон рақамингизни ёзиб қолдиринг, ўзим сизга қўнғироқ қиламан. Келиб, олиб кетаверасиз, — дея уни тинчлантиради. Аёл муаммоси осон ҳал бўлганлигидан мамнун ҳолда ташаккур билдирганча хонадан чиқади...



# Фаолиятдан аҳоли мамнун

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ҳамза туман бўлимига иши тушиб қадам ранжида қилган киши ана шундай ҳолатбарорликдан кайфияти кўтарилиб қайтади. Бўлимда пенсия ва нафақа тайинлаш ҳамда пенсия ва нафақаларни тўлаш мониторинги гуруҳлари, пенсия ва нафақаларни тўлашга маблағ эҳтиёжини аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими мавжуд бўлиб, уларда 25 нафар ходим меҳнат қилади. Шунингдек, 5 нафар техник ва бошқа ходимлар ҳам бўлимнинг самарали фаолиятга ҳисса қўшмоқда.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат пенсия таъминоти тизимидаги ислохотларни чуқурлаштиришни тақозо қилмоқда, — дейди Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман бўлими бошлиғи Нурой Эргешова. — Мисол

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сонли қарорининг 2-илоvasи билан «Пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом» тасдиқланган бўлиб, бугунги кунда амалдаги қонунчиликка киритилган шунга ўхшаш ўзгартиш ва қўшимчаларни фуқаролар ўртасида кенг тушунтириш борасида амалий ишларга эътиборни қаратаёلمиз.

Жамоа аъзоларининг ўз вазифасига астойдил ёндашаётганлиги тўғрисида аҳолига пенсия ва нафақа тайинлаш, ижтимоий тўловларнинг эгаларига вақтида тўлалиши каби ишлар кўнғилдагидек йўлга қўйилмоқда. Пенсия ва нафақа тайинлаш гуруҳи раҳбари Мирзохид Қурбонов, пенсия ва нафақаларни тўлаш мониторинги гуруҳи раҳбари Гулчехра Ҳақимова, пенсия ва нафақаларни тўлашга маблағ эҳтиёжини аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими раҳбари Анвар Эшалиев, пенсия ва нафақа тайинлаш гуруҳи мутахассислари Зинаида Гордунова, Баҳор Яъқубова, пенсия ва нафақаларни тўлашга маблағ эҳтиёжини аниқлаш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими мутахассислари Нодира Адилова, Муҳайё Ҳайдарова сингари ўз касби жонқуяларининг бу борадаги хизматларини алоҳида тилга олиш мумкин.

— Гуруҳимизда 10 нафар ходим иш олиб боради, — дейди пенсия ва нафақаларни тўлаш мониторинги гуруҳи бошлиғи Гулчехра Ҳақимова. — Ҳар бири ўз касбини яхши эгаллаган, етарли билим ва тажрибага эга мутахассислар ҳисобланади. Пенсия ва нафақалар

тўлаш мониторингининг аниқ ва тўғри олиб борилиши тўғрисида ушбу йўналишда муаммолар келиб чиқишининг олди олинмоқда. Айниқса, пенсия ва нафақа олувчиларнинг асосий қисмини ташкил этувчи кексаларнинг кўнғилини олишдек савобли иш нафақат гуруҳимиз, жамоамиздаги ҳар бир ходим зиммасига катта масъулият юклайди.

2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра туманда пенсия ва нафақа олувчилар сони 30128 нафарни ташкил этган бўлса, айтилган пайтда 30006 нафар кишига пенсия ва нафақа пуллари тўланаёпти. Шундан 25212 нафари ёшга доир пенсия олади. Улар орасида 1533 нафар кўп болали оналар, 485 нафар 54 ёшдан пенсияга чиққан аёллар ҳам бор.

Ногиронлик бўйича пенсия олувчилар эса 3631 нафарни ташкил этиб, шундан 107 нафари 1-гуруҳ кўз касаллиги ногиронлари, 118 нафари 1-гуруҳ, 2379 нафари 2-гуруҳ, 1027 нафари 3-гуруҳ ногиронлари ҳисобланади. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотганлиги учун жами 1082 нафар кишига пенсия тўланмоқда.

Жорий йилда 455 нафар кишига пенсия ва нафақа янги тайинланди. 95 нафар пенсия ва нафақа олувчилар эса бошқа ҳудуддан кўчиб келди. 765 нафар кишига ногиронлик гуруҳи ва боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия тўлаш тикланди. Шунингдек, 12 нафар кишига кўшимча ҳужжатга асосан қайта ҳисобланди.

«Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ 81 нафар кишига пенсия тайинланган бўлиб, 13 нафари боқувчисини йўқотганлиги учун пенсия олади.

Бир сўз билан айтганда, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ҳамза туман бўлими фаолиятида аҳолини ижтимоий кўмак билан таъминлаш юқори даражада ташкил этилганлиги кўзга ташланади. Аҳил ва изланувчан жамоа бу борада янада катта муваффақиятларни қўлга киритишга интилоқда.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,  
«Ishonch» мухбири



Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар

учун, Қонуннинг 8-моддасига киритилган ўзгартиришга асосан пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар умумбелгиланган нормалар сақланган ҳолда камида беш йиллик иш стажига эга бўлган тақдирда мавжуд стажга мутаносиб равишда тайинланади. Умр бўйи ишлаган ёки етарли иш стажига эга бўлмаган фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш учун

хассислари Нодира Адилова, Муҳайё Ҳайдарова сингари ўз касби жонқуяларининг бу борадаги хизматларини алоҳида тилга олиш мумкин.

— Гуруҳимизда 10 нафар ходим иш олиб боради, — дейди пенсия ва нафақаларни тўлаш мониторинги гуруҳи бошлиғи Гулчехра Ҳақимова. — Ҳар бири ўз касбини яхши эгаллаган, етарли билим ва тажрибага эга мутахассислар ҳисобланади. Пенсия ва нафақалар

Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, фаол ва комил инсон бўлиб, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиши кўп жиҳатдан уларнинг ўз касбининг малакали соҳиби бўлиши билан боғлиқдир.

## Билиб қўйки, сени ватан кутади...

Навоий педагогика коллежида ҳам битирувчилар бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланиб, ҳар 10 нафар битирувчига бир ўқитувчи бериб қўйилган. Шу билан бирга, битирувчиларнинг иш жойини олдиндан белгилаш, амалиётини бўлғуси иш жойида ўташини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилда битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида коллеж маъмурияти туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш ва

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, ижобий натижаларни қўлга киритди. Ўз соҳаси бўйича ёшлар иш билан таъминланиши устидан мониторинг олиб борилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури талаблари ижросини таъминлаш юзасидан битирувчиларнинг келгусида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритиш истаги борлари аниқланиб, уларга тижорат

банклари томонидан кредит ажратилиши тартиби, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар хусусида тушунчалар берилди. Кўплаб ёшлар бу имкониятдан самарали фойдаланиб, ҳозирданқў ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлашди.

Таълим жараёнини тубдан ислох қилиш ва самарадорлигини ошириш, битирувчиларни ўз соҳаси бўйича иш билан таъминлаш мақсадида амалиёт кафедраси ташкил этилди. Амалиёт раҳбар-

лари ўз жавобгарлигини чуқур ҳис этган ҳолда ҳар бир ўқувчи билан яқка тартибда иш олиб бориб, ижобий самарага эришмоқда.

Ишончим комилки, биз тарбиялаган ёшлар юртимизда тадбиркорлик субъектларининг янада кенг қулоч ёйишига, аҳоли фаровонлиги, бозорларимиз тўкинлиги, қолаверса, республикамиз иқтисодий тараққиётининг юксалишига муносиб улуш қўшади.

Зебо ТЕШАЕВА,  
Навоий педагогика коллежи ўқитувчиси

Ёшлар Ва иқтисод

## Ташаббус сўнмасин!

Етакчи масъулияти, ташаббуси, ибрати кўпчиликка андоза. Таълим ва фан ходимлари Қўшработ туман бирлашган касабаси уюшмаси раиси Қиличбой Синдоров истиқлолимизнинг 20 йиллиги шарофатига 600 туп терак, 60 туп ўрик, 40 туп олма, 15 туп ёнғоқ кўчатлари экиб кўқартирапти.

# Боғ яратган бекор қолмас

Боғ ва тоқзор лалмикор ерларнинг қулфи дилини очади. Аммо уни эпачага келтириш учун қатраси зар саналмиш қудуқ сувидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади. Уддасидан чиқилмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Фақат кунт-ҳафсала бўлса бас. Бу йил 100 туплик олмазор барпо этаман, дея ташаббус кўрсатган туман халқ таълими бўлими мудирини Бахтиёр Усмоновга эргашганлар кўп бўлди. Ҳисобчи Қахрамон Тоғаев ҳам юз туплик олмазорга асос солди. Маъмурият ва касабаси уюшмаси ташкилоти ибрати бутун туман мактабларида кенг қулоч ёйди. 110 та бошланғич, 75 та бирлашган касабаси уюшмаси кўмиталари ҳам бу ҳайрли ишдан четда қолмади.

Касабаси уюшмаси саркори Қиличбой Синдоров ҳамроҳлигида тумандаги 82-мактаб фаолияти билан танишдик. Мактаб директори, ёш иқтидорли мутахассис Баҳодир Абдувоҳидов бошлиқ жамоа ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Мактаб боғида айни чоғда 175 та мевали дарахт кўчатлари парваришланаётган. Мактаб тумандаги энг салоҳиятли илм даргоҳларидан бўлиб, бу ерни битириб чиққан ўнлаб ёшлар мамлакатимизнинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олаётган. Эътиборли жиҳати, изланишлари боис интернетга уланиб, ўз сайтини очган ягона мактаб ҳам шу. Иқтидорларга алоҳида эътибор қаратилаётган экан. Зулфияхоним номидаги давлат мукофотига номзод Камола Мусулмонова, «Конституция — бахтимиз пойдевори» республика танлови совриндори Шохрух Шерқуловлар мактаб фахри саналади. Бир йўла 5 нафар ўқувчи вилоят фан олимпиадаси ғолиблари сафида бўлди. Бошланғич таълим йўналишида муаллима Насиба Шарипова тажрибаси оммалаштирилган. Қамара Бекова ҳам ана шундай изланувчан ўқитувчилардан.

— Мактаб маъмурияти ва бошланғич касабаси уюшмаси ташкилоти ижтимоий шериклик асносида фаол ҳаракат қилаётган, — дейди таълим ва фан ходимлари Қўшработ туман бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Қиличбой Синдоров. — Айниқса, меҳнат муҳофазасини таъминлашда алоҳида ибрат кўрсатиляпти.

Касабаси уюшмаси ташкилоти ва иш берувчи ёшлар изланишларига алоҳида аҳамият қаратади. Ўтган фурсат ахборот-ресурс маркази 600 та янги наشر билан таъминланди. 18 хилдаги электрон дарсликлар бор. Мактаб қошида кўзи ожизларга сабоқ бериш йўлга қўйилди. Ҳаёт заҳматларини чекаётган ана шу тоифадаги беморларга тўлиқ таълим берилиб, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишига кўмаклашиб келинаёпти.

— Мактаб бюджетидан ташқари маблағ топиш чораларини излаётган, — дейди мактаб директори Баҳодир Абдувоҳидов. — Тўғри, бизда бу масала осонликча ечилмайди. Чунки ҳудудда саноат корхоналари йўқ ҳисоби. Аммо қўл қовуштириб турганимиз йўқ.

Мактабда 77 нафар муаллимнинг ҳар бири 20 тупдан кўчат экиб кўқартиришга муваффақ бўлди. Туман миқёсида хизмат қилаётган 2800 дан зиёд ўқитувчилар ҳам мустақиллигимизнинг 20 йиллигига 20 тупдан кўчат эккан. Халқ таълими бўлимининг махсус боғи барпо этилган.

Бир сўз билан айтганда, Қўшработ туман халқ таълими бўлими ва тармоқ касабаси уюшмаси ҳар жаҳада ташаббускор бўлишга интилиб келяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

**Махсус жиҳозланган майдонда мириқиб ўйнаётган, кўшиқ куйлаётган, шеър айтаётган кичкинтойларни кўриб кимнинг ҳам завқи келмайди, дейсиз. Болажонларнинг дам олишлари, овқатланишлари, турли ривожлантирувчи машқлар билан шуғулланишига қулай бўлган кенг, ёруғ, озода хоналарни айтмайсизми!**

Пахтакор туманидаги 10-сон «Шодлик» номли боғча-мактабда келажак эгаларининг баркамоллигини, соғлигини таъминлашга қаратилган барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Тиниб-тинчимас тарбиячи Лариса Ханова раҳбарлик қилаётган «Қалдирғоч» гуруҳида бўлиб, бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Болалар қўли билан ясалган, шаклан оддий бўлсада, чиройли буюмлар, турли ўйинчоқлардан иборат табиат бурчаклари ташкил



## Бахтли

# болалик маскани

этилган. Конституциямиз, давлатимиз рамзлари, йўл ҳаракат қоидаларига расми, безакли деворинг лавҳалар эса болажонларни ҳаётга тайёрлашга хизмат қилади. Тажрибали тарбиячи техник воситалардан

кенг фойдаланиб, машғулотларнинг қизиқарли ва таъсирчанлигини таъминламоқда.

«Бойчечак» гуруҳи етакчиси, «Йил тарбиячиси» республика кўрик-танлови иштирокчиси Тожиҳон Холо-

умуман, бу муассасада 272 нафар болажонларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, баркамол бўлиб вояга етишида 21 нафар малакали педагог ва тарбиячиларнинг ҳар бири изланишда экан-

лар нигоҳида» мавзусида вилоят бўйича амалий семинар бўлиб, жамоа аъзолари биринчиликни қўлга киритди.

— Биз болажонларни ақлий ва ижодий мустақил фикрлашга ўргатиш ва мак-

## Ўрганса, арзийди

# Муваффақиятларни оммалаштирган ўқув

Муайян соҳа эгаларининг ўзаро тажриба алмашуви ҳеч қачон беиз кетмайди. Ютуқлар сири ўртоқлашилади, камчиликларнинг сабаби таҳлил этилади, муаммоларга ечим топилади. Бу ҳақиқатни кейинги вақтларда кенг қулоч ёзаётган ўқув-семинарлар мисолида кўриш мумкин.

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Наманган вилоят кенгашининг «Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг V, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмасининг IV Қурултойлари қарорлари асосида Наманган туман касабаси уюшмаси ташкилотларининг ижтимоий шериклик тамойили асосида уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий Ҳимоясини таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари ҳамда «Директор жамғармаси» фаолиятидаги иштироки» мавзусида ташкил этган кўргазмали ўқув-семинари фикримиз исботидир.

Тадбирда вилоятнинг барча туманларидан соҳа етакчилари иштирок этишди. Дастлаб қатнашчилар беш гуруҳга бўлинган ҳолда тумандаги бошланғич касабаси уюшма кўмиталарининг фаолияти билан яқиндан танишди. Ўрганса арзийдиган, жиҳатлардан кўнгли тўлган касабаси уюшма етакчилари учун 37-

умумтаълим мактабида ялпи йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишни Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши раиси Розахон Деҳқонова кириш сўзи билан очиб, қурултойлар қарорларидан келиб чиқадиган устувор вазифаларга асосий эътиборни қаратди. Туман халқ таълими бўлими мудирини Т. Ҳасанов ўз маърузасида жамоа келишувлари асосида ходимларга яратиб берилаётган шароитлар тўғрисида тўхталди. Шунингдек, туман таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси бирлашган кўмитаси раиси А.Усмонов бошланғичлар ишини такомиллаштириш масалалари, тармоқ касабаси уюшмаси вилоят кенгашининг ижтимоий-иқтисодий Ҳимоя бўлими мудирини Б. Жакбаров директор жамғармаси фаолиятида мактаб касабаси уюшма кўмитаси ўрни юзасидан ўз мулоҳазаларини ўртага ташлади.

## Энг илғор мактаб

— Гуруҳимиз билан 28-умумтаълим мактабида бўлдик, — дейди тармоқ касабаси уюшмаси вилоят кенгаши Ёшлар кенгаши раиси Дилшод Деҳқонов. — Мактаб маъмурияти ва бошланғич ташкилот ҳамкорлигида касабаси уюшма аъзоларининг ижтимоий Ҳимоя қилиш мақсадида бюджетдан ташқари сармоя топиш учун олиб борилаётган ишлар кўпчиликка манзур бўлди. Мактаб ҳудудида ташкил этилган иссиқхонада омилкорлик сабаб иккинчи ҳосил етиштирилмоқда. Теракзорлар бўй чўзиб турибди. Шунингдек, қўйхонада жониворлар сони кўпайиб бораётган экан. Айни дамда меҳмон бўлиб турганимиз — 37-мактабда ҳам бу борадаги ишлар жуда яхши йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдик.

Кўшимча даромад олиш йўллари кенгайтириб, кичик бизнесни йўлга қўйган мактаб директори Маъсуда опа Мирзамова шундай дейди:

— Ҳозир мактабимизда, ўрдак, қуён, қўй ва қорамол боқилмоқда, боғ барпо этилган. Мазкур жараёнда бевосита ўқувчилар ҳам иштирок этишмоқда. Синфлар ўртасида ҳайвон ва паррандаларни парваришлаш бўйича рўйхат тузиб чиққан эдик. Яқинда қуёнларимиз болалаб, ўқувчилар навбат талашадиган ҳам бўлиб қолишди. Ўз меҳнати билан етиштирилган гўшт, сут, тухум, сабзавоту мевалар тортилган дастурхон кези келганда, ҳар қандай шоҳоналикдан устун туришини улар аллақачон тушуниб етишган.

Эшитишимизча, яқин кунларда бу жамоа аъзолари «Йил мактаби» танловининг жорий йилги финал баҳсларида иштирок этиш учун Қашқадарё вилоятига борар экан. Натижа эса ҳозирданок маълум. Ушбу сафар янги ташаббусларга сабаб бўлишига шубҳа йўқ.

Дилдора РАҲМОНОВА,  
«Ishonch» мухбири

## Бошланғич ташкилотларда

лиги яққол кўзга ташланади. Муассасада инглиз тили, мусиқа, бадий гимнастика, шахмат-шашка каби ўнга яқин тўғарақлар фаолият юритяпти. Вилоятда ўтказилган шахмат-шашка мусобақасида тарбияланувчиларга иккинчи ўрин насиб этди. Бадий гимнастика ва миллий курашда эса фахрли ўринларни эгаллашди.

Яқинда муассасада «Фавкулудда вазиятлар — бола-

таб таълимига тайёрлашни асосий мақсад қилиб, бу йўлда тинимсиз ишлаётган, — дейди муассаса касабаси раиси Холида Одинаева. — Меҳнатимизнинг самарасини болажонлар келажакда кўрсак, ўзимизни бахтиёр ҳис этамиз.

Тарбияланувчиларни соғлом ва маънавий етук қилиб тарбиялашда тарбиячи-педагоглар Адолат Қуролова, Азиза Амирова, спорт йўриқчиси Гулнисо Эргашева ва мусиқа раҳбари Машраб Пўлатовларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Тозалик қуни ва умумхалқ ҳашарлари қизгин тус олдирилмоқда. Эрта баҳорда ҳар бир тарбиячи ва ишчи-техник ходим «Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига — 20 туп кўчат туҳфамиз бўлсин!» шиори остида ҳовли ва йўлакларга дарахт кўчатлари ўтқазилди. Ниҳоллар баравж ривожланиб, кўкка бўй чўзмоқда.

Абдулла САИДОВ  
Жиззах вилояти  
Суратда: боғча-мактаб тарбияланувчилари

**Кўрик-танлов**

Бошланғич ташкилотларнинг меҳнаткашлар ўртасида обрўси ошиб, жанговарлиги кучайса, бу фаолият яхшиланганлигига бир ишора. Айни кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши «Бошланғич касаба уюшмалари ўртасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилаётган кўрик-танлов ҳам шунга хизмат қилиши табиий. Айни пайтда ушбу тадбирнинг туман ҳамда шаҳар босқичлари бўлиб ўтмоқда.



## Жанговарликка хизмат қилади нуфузини ҳам юксалтиради

Тошкент алоқа касб-хунар коллежида кўрик-танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тадбирда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган тармоқ корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошланғич ҳамда цех касаба уюшмалари жамоалари иштирок этишди.

— Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад етакчилар малакасини юксалтириш ҳамда ташкилотимизнинг илғор иш тажрибаларини кенг оммалаштиришдир, — дейди республика Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг раиси Тўлқин Тешабоев. — Бу танлов уч босқичда ўтказилади. Жорий йилнинг иккинчи чорагида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда, август ойида эса республика босқичи бўлиб ўтади.

Кўрик-танлов Низомида белгиланганидек, қатнашчилар тўртта йўналиш бўйича беллашишди. Касаба уюшма ташкилотининг умумий фаолияти, жамоа аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги, спорт мусобақаларида қайд этилган натижалар ва ниҳоят, бадиий чиқишлари синондан ўтказилди.

Кўрик-танловда «Тошкент шаҳар телеграф-телефон станцияси» филиали касаба уюшма кўмитаси фахрли биринчи ўринни эгаллади. «Алском» суғурта компанияси бошланғич ташкилоти иккинчи ва «UZINFOKOM» маркази касаба уюшма кўмитаси учинчи ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, энг фаол иштирокчилар номинацияси бўйича голиблик Махсус авария-тиклаш бошқармаси касабакўм раиси Афзалхон Султонса-

идов, «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали ходими Ҳасан Шукуров ва «Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази» Давлат унитар корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси Нина Колотилиналарга насиб этди.

— Бундай кўрик-танловнинг бошланғич ташкилотлар етакчилари учун ниҳоятда фойдаси катта. Ҳамкасбларимиз билан баҳслашиш жараёнида уларнинг илғор иш тажрибалари билан танишамиз, фикр айирбошлашамиз. Бу нарса ҳар бир бошланғич ташкилотнинг жанговарлигини оширади, — дейди Нина Колотилина.

Голибларга эсдалик совғалари ва махсус дипломлар топширилди.

**Неъмат РАФИҚОВ,**  
«Ishonch» мухбири

## Ёшлар кенгашида Ҳар томонлама кўмак

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг Ёшлар кенгаши томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, корхона ва ташкилотлар жамоа шартномаларига ёшлар меҳнатини муҳофаза қилиш, кўшимча таътил ва қисқартирилган иш вақти, аёллар ва ёшлар меҳнатини чеклаш ва бошқа муҳим бандлар киритилишига эришилди.

Жамоа шартномалари орқали иш берувчилар ва касаба уюшма маблағлари ҳисобига 417 нафар ёш оила вакилларига моддий ёрдам курсатилди. Олий ўқув юртларида таълим олаётган 41 нафар талабанинг шартнома пулларининг бир қисми иш берувчилар томонидан қопланди. Шунингдек, ёшларнинг дунёқарабини шакллантириш, ҳуқуқий билимларини ошириш, одам савдосига қарши курашиш мақсадида учрашув ва семинарлар ўтказиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, мустақиллигимизнинг 20 йиллигига ҳар бир касаба уюшма фаоли томонидан 20 тупдан мевали ва манзарали дарахт кўчатини экиш тадбирларида ёшларнинг фаол иштироки таъминланмоқда.

Дарвоқе, вилоятда биринчи чорада 13 та янги касаба уюшма ташкилоти тузилиб, уларда 100 нафардан зиёд ёшлар касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

**Ш.АХМЕДОВ,**  
Хоразм вилоят КУТБ Ёшлар кенгаши раиси

**Энг яхши бошланғич ташкилот**

**Сурхондарё вилоятининг тоғли Бойсун туманидаги 53-умумий ўрта таълим мактаби Бобохўй ва Гавчўл тоғлари бағридаги Гуматақ қишлоғида жойлашган. Давлат умумий таълим дастури асосида қад кўтарган ва қишлоқнинг қоқ марказида унинг ҳуснига кўрк бағишлаб турган мактаб туман таълим тизимида рейтинг бўйича юқори ўринларда бўлиб, унинг меҳнат жамоаси туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган бир қатор кўрик-танловларнинг голибидир.**

охирига бориб бу маблағлар миқдори 10 млн. сўмдан ошиши кўзда тутилмоқда. Тузилган жамоа шартномасига асосан, маъмурият ва касаба уюшма ташкилоти келишган ҳолда сармоядан ташқари ишлаб топилган маблағлари биринчи навбатда иж-

ўртача 150000 сўмдан тўғри келган бўлса, 2010 йил якунларига кўра бу кўрсаткич миқдори 247 500 сўмни ташкил қилди. Эзгу ва хайрли ишлар касаба уюшмалари ҳаётининг мазмун-моҳиятига айланган.

Улуғ бобокалонимиз За-

# Ижтимоий шериклик самараси

Меҳнат жамоасида ишлаётган ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишда, таълим-тарбияни йўлга қўйишда, байрам тадбирларини ўтказишда, маънавий-маърифий ва спорт соғломлаштириш тадбирларини ўтказишда ҳамisha мактаб маъмурияти билан касаба уюшма ташкилотининг ҳамкорлиги кўзга яққол ташланиб туради. Шунингдек, қайд этиш керакки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойида боғдорчиликни ривожлантириш, ҳар бир касаба уюшма аъзоси мустақиллигининг 20 йиллиги байрами муносабати билан 20 тупдан мевали дарахт кўчатларини экиш ташаббуси кўтарилган эди. Мактаб бошланғич касаба уюшмаси ташкилотчиси Аширгул Норқобиловнинг таклифи ва ташаббуси билан мактабнинг меҳнат жамоаси ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотининг кўшма йиғилиши қарорига асосан боғ барпо этилиб, унга «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллиги» номи берилди.

Боғ 1 гектар ер майдони-

ни эгаллаган бўлиб, у туман марказидан 35 км. узоқликда, денгиз сатҳидан 2500-3000 метр баландликда мактаб жамоасининг бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағлари ҳисобига ҳашар йўли билан барпо этилди. 1300 тупдан ошиқ мевали дарахт кўчатларига ҳозирги кунда ишлов берилмоқда. Касаба уюшма боғининг ташкил этилиши икки-уч йил ичида меҳнат жамоасига сармоядан ташқари кўшимча даромад келтириши билан бирга, яна 2 та янги иш ўринлари яратилишига замин яратмоқда. Шунингдек, бу боғ ўқитувчи ва ўқувчилар учун дам олиш, меҳнат кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда табиий фанлардан олган билимларини мустаҳкамлаш учун ўқув-тажриба участкаси вазифасини ҳам бажаради.

Шуниси диққатга сазоворки, мактабда амалга оширил-

ган тадбиркорлик ишлари мамлакатимизда эълон қилинган бандлик дастурининг амалда бажарилишига замин яратди. Чунки дурадгорлик цехи, ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ташкил этилиши натижасида 4 та янги иш ўрни яратилди. Йил охиригача ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ривожлантирилиб, тикиш, бичиш цехи ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, натижада яна 6 та янги иш ўринлари яратилади. Мактаб маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилотининг саъй-ҳаракатлари натижасида олиб борилган тадбиркорлик ишлари туфайли сармоядан ва бюджетдан ташқари ишлаб топилган маблағ миқдори кўпайиб бормоқда. 2009 йилда ана шу маблағлар миқдори 5 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 6,5 млн. сўмга етди ҳамда 2011 йил

тимой ҳимояга муҳтож бўлган ходимларга, кам таъминланган оила фарзандларига ҳамда қишлоқдаги кекса фахрийлар, ногирон ва беморлар ҳолидан хабар олиш каби мақсадларга сарфламоқда. Биргина 2010 йилнинг ноябр ойида 1.450.000 сўм маблағ сарфланиб, 14 нафар жамоа ходимлари Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳатга юборилди. Шунингдек, ўтган йиллар давомида рейтинг бўйича энг яхши кўрсаткичларга эришган, танловларда голиб бўлган ва кам таъминланган оила фарзандлари бўлган 12 нафар ўқувчиларга стипендиялар бериб келинмоқда.

Жамоа шартномаси асосида ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори ҳам ортиб бормоқда. 2009 йилда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ миқдори

хириддин Муҳаммад Бобур ҳазратларининг:

**Бори элга яхшилик қилгилки,**  
**муңдин яхши йўқ**

**Ким дегайлар, даҳр аро**  
**қолди фалондин яхшилик**

байтлари шу мўъжаз бошланғич касаба уюшма ташкилоти фаолиятида ўз ифодасини топмоқда.

Ижтимоий шериклик асосида мактаб маъмурияти ва бошланғич касаба уюшма ташкилотининг ҳамкорлиқда олиб борилган ишлари ўз самарасини бермоқда. Республика миқёсида касаба уюшмалари тизимида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида ўтказилаётган «Энг яхши бошланғич ташкилот» республика кўрик-танловида Аширгул Норқобилова етакчилик қилаётган бошланғич касаба уюшма ташкилоти туман ва вилоят босқичларида голибликни қўлга киритиб, финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Ф.ҲАМДАМОВ,**  
Бойсун туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

«Инсонга наф келтириш — олий

БАХТ» ТАНЛОВИГА

# Ортдаги излар

**Банклар тизимидаги касабга уюшмалари  
фаолияти билан танишиш мақсадида  
Марказий банкнинг Фаргона вилоят бош  
бошқармасига кирдим.**

— Ходимларнинг иш, турмуш шароитларини тобора яхшилаш борасида катта ишлар олиб бориляпти, — деди касабга уюшма ташкилоти раҳбари Олимжон Эргашев. — Сизга энг фаол аъзоларимиздан бирини тавсия қиламан. Бир нарсага эътибор қаратинг — бу инсон банк тизимида эллик йилдан ортиқ вақт давомида ишламоқда!

Шундай қилиб, Расул Шаропов билан танишиб олдик. Расул ака ҳали кексаликка бўй бермаган, ёшлардай серҳаркат, ғайрати жўшиб турган инсон экан. Банкирлик ҳар соҳада етти ўлчаб бир кесишни тақозо этадиган, ишдаги кичик бир хатодан нафақат ўзи, балки юзлаб бошқа одамлар, корхона-ю ташкилотлар зиён кўриши мумкин бўлган касб.

— Банк сўзи сарроф столи деган маънони англатади, — дейди у. — Саррофлик кўҳна Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақасида ҳам жуда ривожланган соҳа бўлган. Амир Темур даврида Самарқанд шаҳрида улкан саррофлик растаси фаолият кўрсатган. Бу ерда дунёнинг жуда кўп мамлакатлари, хусусан, Франция, Венеция, Испания пулларини ҳам алмаштириш имкони бўлган. Кейинчалик банклар янада такомиллашди. Айтилик, XX аср бошларида Кўқон шаҳри банклари сони жиҳатидан Туркистонда биринчи ўринда турган.

Ҳа, Расул ака мамлакат банк тарихининг билимдонини, Унинг банкир сифатидаги ишлари, инсоний фазилатлари ҳақида фарғоналиклар бежизга тўлиб-тошиб гапиришмайди.

— Фермер сифатида энди иш бошлаган чоғим, — дея эслайди Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги раҳбари Имомали Назаров. — Хўжалик даласига бир киши келди ва ўзини вилоят «Пахта банк» бошқарувчиси деб таништирди. Туман банклари раҳбарлари ҳузурига амаллаб кириб борадиган ёш фермер учун даласига вилоятдаги энг катта банк бошқарувчисининг ташрифи қандай ҳаяжонга сабаб бўлишини тасаввур қилинг. Расул ака ишларим билан танишгач, «Пахтабанк» ажратган 90 млн. сўм кредит туфайли сутни қайта ишлаш корхонаси қурдим. Хўжалиқда қорамоллар сони ошди.

Расул аканинг қаерда бўлмасин, фермер хўжаликлари фаолияти билан кизиқиб, уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб келаётгани бор гап. Масалан, Олтиариқ туман банки бошқарувчиси лавозимида ишлаётган кезлари — 1991 йили унинг раҳбарлигида туманда биринчи бўлиб ташкил этилган «Одилжон» фермер хўжалигига катта миқдорда фоизсиз кредит ажратилди.

Банк ва фермер хўжалиги ҳамкорлиги — шакланган бу таъриба кейинчалик бутун вилоят миқёсида қўлланилди. Расул Шаропов собиқ «Пахтабанк» (ҳозирги «Агробанк»)нинг вилоят бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган кезлари вилоятдаги ҳар бир фермер хўжалигига биттадан банк ходими бириктирилиб қўйилди! Ҳомийлик асосида ишлайдиган бу банк ходими фермер хўжалигининг молиявий ишларини олиб боришга масъул эди.

Кўштепа туманида «Агробанк» бошқарувчиси бўлиб ишлаган кезлари Расул ака туман халқ таълими бўлими билан кенгашиб, туман ўқувчилари ўртасида банк соҳаси мутахассиси бўлишга лаёқатлиларга имтиёз бериш юзасидан танлов эълон қилади. Танловнинг муҳим шартини, унинг иштирокчиси, албатта, кам таъминланган оила фарзанди бўлиши шарт эди! Ҳозирда турли банкларда фаолият кўрсатётган Дилшод Қорабоев, Фазлиддин Юсупов каби ёшлар ўшанда танлов ғолиби бўлиб, ўқишдан ажралмаган ҳолда банкда иш ўрганган.

Банкда иш ўрганганлардан бири сўнграқ молия банк академиясида таҳсил олди. Кўплари турли олийгоҳлар, ҳисоб кредит коллежларида ўқишни давом эттиришди.

— Кейинчалик билсак, Расул ака ёш иш ўрганувчилар, жумладан, менинг ўғлимга ҳам банкда ҳисоб рақами очган ва шахсий жамғармасидан маълум миқдорда пул тушириб борган экан, — дейди миннатдорлик билан қўштепалик иккинчи гуруҳ ногирони Хамиджон Қорабоев.

Шу кунларда Фарғона шаҳридаги «Агробанк» вилоят бошқармаси биносига кирган одам қатор беҳи дарахтларини кўради. Ҳовли узум ишқомлари билан қопланган. Расул Шаропов банк бошқарувчиси бўлиб келганда бинонинг атрофи пастак акация дарахтлари билан ўралган, ҳовли деярли бўш эди. Унинг ташаббуси билан «Агробанк» биносига ташкил этилган банк тарихи музейи келувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Расул ака бизда маъмурий хизмат бошлиғи бўлиб ишлайди, — дейди Олимжон Эргашев. — Касабга уюшма ишларида фаол иштирок этади. Унинг йўриқ ва маслаҳатлари ишларимизда ҳамisha асқотади.

Яшнинг қўли ҳам, йўли ҳам, тили ҳам яхшилиқка хизмат қилади, деганлари шу бўлса керак-да.

**Алишер ИБОДИНОВ,**  
«Ishonch» мухбири

**Шерзод Зоировнинг Фузор туманидаги 16-ўрта мактабда касабқўм раиси сифатида фаолият юрита бошлаганига икки йилдан ошди. Болалигидан меҳнатсевар ва эътиборли бўлиб ўсган эмасми, бироқ серташвиш, аммо тўлалигича жамоа манфаатларини ҳимоя қиладиган, алал-оқибат инсон руҳига қувват бахш этадиган хайрли ишларга дарҳол шўнғиб кетди...**

Устоз Даминжон Хўжакулов ёшлар камолотини ўйлайдиган фидойилардан эди. Шунданми, уч нафар шогирдини ўз ҳисобидан пойтахтга олиб борди. Тошкент маданий-оқартув техникумига ҳужжат топширган уч ўртоқдан биргина Шерзод ўқишга қабул қилинди.

Билим юртида ҳам Зоиров устозга ёлчиди. Курс раҳбари Набижон Эрматов жуда талабчан эди. У қалбакичиликни, ўқишга юзаки қарашни қораларди. Ҳатто

дёрсликлари ҳам мукамаллашган. Сурхондарё-Қашқадарё, Бухоро-Самарқанд, Фарғона-Тошкент ва Хоразм мусиқа мактабларини умумлаштирган сабоқлар ёшларнинг кенг билим олишини таъминламоқда. Бунга жавобан ўқувчиларим тумандаги қўшиқ байрамида ғолиб чиқишди. Ўзим ҳам жамоамиз билан Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерациясининг «Ўзбекистон, сени куйлайман!» кўрик-танловининг вилоят босқичида халқ чолғу ас-

## ЕТАКЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

ритди. Тармоқ касабга уюшмаси туман бирлашган қўмитаси билан алоқанинг яхши йўлга қўйилгани ариза ва шикоятларнинг ижобий ечимида қўл келяпти. Интилиш ва изланиш истиқболга элтади. Айни пайтда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида муваффақиятли қатнашиш учун ҳаракат қилмоқда.

Шерзод Зоировнинг яна бир қирраси — у моҳир боғбон, пайвандлаш устаси. Боғида ўсиб турган сут олма, тут, ўрик, гилос, шафтоли ва бошқа мевали дарахтлар кўзни қамаштиради. У етиштирган олмани қўшни Бухоро, Самарқанд вилоятларидан келиб олиб кетишади. Иссиққо-

# Устозлар йўли

кекчурунлари ҳам талабалар турар жойларига келиб, уларнинг ҳолидан хабар олар, ёшларга йўл-йўриқ кўрсатишдан чарчамасди. Бу орада Шерзодни ҳарбий хизматга чақирди.

...Йигитлик бурчини ўтаб, қайтган Зоировни аэропортда курс раҳбари Набижон Эрматов кутиб олди ва шогирдини ўқишни давом эттиришга даъват этди.

Ҳужжатларни олиб қолиб, ўқишни тиклаб берди.

— Тошкент маданий оқартув билим юртининг нуфузи республикадаги турдош таълим масканлари орасида юқори эди. Биз турли кўрик-танловларда юқори ўринларни қўлга киритардик, — хотирлайди Шерзод ёшлик йиллари ҳақида.

1992 йилда Фузор туманидаги Қорқўмди қишлоғига мусиқа фани ўқитувчиси бўлиб ишга келган Зоиров қарийб йигирма йилдирки, «доска»га ноталарни чизади, ўчиради, соз чертади, доира чалади. Хуллас, дарс ва тўғарақларда ўғил-қизларга бор меҳрини беради.

— Юртбошимиз ғамхўрликлари остида сўнгги йилларда болалар мусиқа ва санъат мактаблари қурилмоқда. Мусиқа фани

боллари ижрочилиги йўналишида муваффақият нашидасини сурдим, — дейди фахр билан Шерзод Зоиров.

Касабқўмни меҳнат жамоасида ҳамма ҳурмат қилади. Мактаб директори Ихтиёр Абдуллаев унинг шогирди. Ижтимоий шериклик асосида фаолиятнинг йўлга қўйилиши оқибатида жамоа шартномаси бандлари мунтазам амалда. Меҳнатга ҳақ тўлаш, ижро интизоми кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш касабга уюшмаси назоратида. Ўқитувчи ва ўқувчиларга қўйилган талабнинг кучлилиги таълим муассасасини намунали масканга айлантирган. Ходимларнинг фарзандлари ҳар йили ёзги оромгоҳларда ҳордик чиқаради. Педагог ходимлар бўш вақтларида мини футбол, волейбол, баскетбол турлари билан шуғулланади. Дилмурод Қурбонов қўмитанинг жисмоний тарбия ва спорт ишлари бўйича аъзоси, мактаб жамоасини турли спорт тадбирларига тайёрлайди. Спорт анжомлари ва либослар бўйича муаммолар йўқ. Ёндашувнинг жиддийлиги натижаларда ҳам кўринади. Мактаб жамоаси ўтган йили туман спартакиадасида ғолибликни қўлга ки-

надан ҳам рўзғорга барака кираётир.

Рафикаси, уч ўғли ва бир қизи билан бўш вақт бўлгунча экинларга қарайди, ниҳолларни пайвандлайди.

— Ҳаётимдан жуда мамнунман, — деди фахр билан касабқўм. — Ёшларга таълим бериш, мусиқа тўғараги, касабга уюшма қўмитаси ва бошқа ишлов бериш — бу жараёнлар ҳаётим мазмунига айланган. Ростини, бўш вақтим қолмайди, аммо бу инсонга завқ беради.

Касабга уюшмаларининг «Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллигига 20 туп кўчат — менинг туҳфам!» шиори остидаги ташаббуси барчамизни хурсанд қилди. Мактаб ҳовлисида боғ ташкил этдик. 300 та мевали, 600 туп манзарали дарахтнинг парвариши назоратимизда. Қолаверса, ташаббусни маҳалламда тарғибот этман. Ўзим ҳам ундан илҳомланиб, уйимда бодом кўчатлари ўтқаздим.

Ҳавас қилдик, бу инсон қанча ишласа-да, чарчамайди. Чунки у устозлар ўғитиға собит. Устозлари уни ўзларидек заҳматкаш бўлишини истади, шу йўлда тарбиялашган, меҳр беришган...

**Депутат ва касабга уюшма етакчиси... Ўзро қандайдир ўхшашлик томонлари бор-а? Ҳар иккиси сайланади, ходимлар ва инсонлар манфаатлари йўлида меҳнат қилади. Юзага келган мавжуд муаммоларнинг ечимини билан кизиқади, одамларнинг ташвишида муассаса ва ташкилотларга учрайди.**

Қашқадарё вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташкилий бўлим мутахассиси Баҳром Сатторов Халқ депутатлари Қарши шаҳар кенгашидаги ЎзЛиДеП гуруҳи 26-Темирийўлчи сайлов округидан депутатликка сайланган. Шунга кўра,

у касабга уюшма ташкилотидеги фаолияти билан параллел равишда депутатлик ишларини ҳам бажариб келмоқда.

Ҳар ойнинг сўнги шанба кунини «Шоҳбекат» ва «Темирийўлчи» маҳалла фуқаролар йиғинларида қабул кунини белгиланган. Депутат 2011 йилнинг биринчи чорағида олти нафар фуқаронинг ариза ва шикоятини ўрганиб чиқди ва муаммоларни бартараф этишга кўмаклашди. Жумладан, «Шоҳбекат» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли «Янги парк» кўчасида яшовчи фуқаролар кўчада ичимлик суви таъминотида узиллиш борлиги ҳақида мурожаат қилишган. Сатторов «Қаршисувқоқова» корхонасига депутатлик сўрови билан чиқиб, масала ечимини таъминлади.

Ўтган йилнинг сарҳисобига кўз юритсак, Сатторов номига 26 нафар фуқаро ариза билан мурожаат қилган. «Шоҳбекат» маҳалласи фуқаролари темир йўл шоҳбекатидан «Фузор» кўчаси чорраҳасигача бўлган кўча ёриткичларининг ишламай қолгани ҳақида маълумот беришганди. Де-

## КАСАБА УЮШМА ФАОЛИ

путатлик сўрови юборилгандан сўнг бу муаммо ҳам ижобий ҳал этилди.

Сайлов округи ҳудудидаги 12-сонли мактаб биносини таъмирдан чиқариш бўйича маҳалла фуқаролар йиғини раисининг мурожаатида кўра, шаҳар халқ таълими бўлими мутасаддиларига учрашди ва таъмирлаш ишлари 2011 йил режасига киритилди. Шунингдек, депутат ўз округи сайловчиларига Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Рес-

# ЭЪТИРОФ

публикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси моҳиятини етказиш ишларида ҳам фаол қатнашмоқда.

Байрам саналари муносабати билан шаҳардаги тадбиркорлар билан ҳамкорликда ногирон, кам таъминланган оилаларга совға-саломлар тарқатилди. «Шоҳбекат» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи уруш фахрийси Муҳиддин Жабборов оиласига ҳомийлик ёрдами сифатида ҳисоб рақамига банкдан 300 минг сўм маблағ ўтказиб берилди.

Сатторов холисликни ёқтиради, юзага келган масалалар ечимини тез ва ижобий ҳал этишга ҳаракат қилади. Шу боис, бирлашмада ҳам, сайловчилари орасида ҳам унинг ишчанлиги яқдил эътироф этилади.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири

# КЎЗЛАР НЕГА ЁШЛАНДИ?



Майин таралаётган оҳангга қарамай, қайсидир маънода салонда тунги осойиш ўз ҳукмини ўтказа бошлаган.

Тошкент шаҳридан Хоразм йўналиши сари ҳаракатланаётган «Мерседес-Бенс» русумли автобус Қизилтепа туманининг «Анор» йўл патрули хизмати масканида ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилди. Уловда оғоҳлик талаблари асосида ҳужжатлар текширила бошланди. Навбат 35-40 ёшлар атофидаги сипо кийинган кўқонлик Алишер Азизовга етганда, унинг кўзларида қандайдир бежолар сезилиб қолди. Узук-юлук жавоблар шубҳага асос бўлди. Постда тушириб қолинган йигитнинг ёнидаги сумкаси текширилганда, унинг ичидаги спорт кийими ўнг энги ҳамда пайпоғи орасидан иккита полиэтилен плёнкага жойланган, умумий миқдори 5,88 грамм «опий» гиёҳвандлик воситаси топилди.

тўғри хулоса чиқармаган йигит жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман суди томонидан яна айбдор деб топилди. Энди у умрининг 4 йилини жазо колониясида ўтказишга мажбур.

Қизилтепа туманининг Фурқат маҳалласида умргузаронлик қилиб келаётган оила сардори Ҳаким Тожиев ҳамда «Бўстон» кишлоқ фуқаролар йиғини «Тавоис» маҳалласидан бўлган Нормурод Худоёровларнинг қилмишини ҳам «ёшлик-бебошлик» деб бўлмади. Ваҳоланки, бировдан олдин - бировдан кейин, деганларидек, яхшигина кун кечириб келишаётган эди. Орага ўша қора «оғу» деган заҳри қотил қўшилди-ю осуда ҳаётлари га путур етди.

Судланувчи Ҳ.Тожиев 2010 йил 24 март куни тахминан соат 15:30 ларда гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзлаб, «ҳамкори» Нормурод Худоёровнинг уйига бориб, ундан 20 минг сўм эвазига бир дона бўш гу-

гurt қутисига қадоқланган «марихуана» гиёҳвандлик воситасини сотиб олади. Тожиев «оғу»ни қўлга киритгач, унинг нархини 10 минг сўмга ошириб пуллаш мақсадида Қизилтепа тумани Гулзор кўчаси 59-уйда яшовчи Комил Юсуповнинг уйига боради. Афсуски, қинғир ишнинг қийиғи узоққа чўзилмади. Оғирлиги 3,15 граммни ташкил этган гиёҳвандлик воситасини айна пуллаб турган пайтда ИИБ ходимлари савдонинг «белига» тепишди...

Бундан ташқари, ўша куни кечаси тахминан соат 20:00ларда тезкор гуруҳ аъзолари томонидан олиб борилган тадбирда эғнидаги костюмининг чап тепа чўнтагида қоғоз ва юз сўмлик пул купаросига алоҳида-алоҳида ўралган, жами 1,9 грамм бўлган «марихуана» гиёҳвандлик воситаси ҳам келгусида ўтказиш мақсадида сақлаб келинганлиги аниқланган. Шериги Н.Худоёров ҳовлисида ўсган бир туп канопли ўсимликни парваришлаб, қуриган барглари ни жамлаб, сотиш мақсадида ўз уйида сақлаб келган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ҳам ЖИБ Қизилтепа туман суди якуний хулосаларини эълон қилди. Судланувчи Ҳ. Тожиев ва Н. Худоёров Ўзбекистон Республикаси ЖК тегишли моддаларига кўра, бир неча йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилдилар.

Ҳукм ўқилаётган дақиқаларда судланувчилар кўзларидан сизикқан ёш томчиларининг нечоғли сикидилдан эканлигини эса вақт кўрсатади.

**Азимжон ҲАФИЗОВ,**  
ЖИБ Қизилтепа туман суди раиси

Фаргона Давлат университетидан «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

## Ҳуқуқ тарғиботи

Республика бўйлаб ўтказилаётган ҳуқуқий саводхонлик доирасида ташкил этилаётган ушбу тадбирда вилоят ҳуқуқ тартибот идоралари, адлия бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши вакиллари, таълим, соғлиқни сақлаш тизими масъул ходимлари ҳамда университетнинг ўқитувчилари ва талабалари қатнашди.

Давра суҳбатида миллий қонунчилигимизнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид мустақам ҳуқуқий асослари аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришга ҳисса бўлиб қўшилиши ҳақида сўз борди.

Мулоқот чоғида мутахассислар йиғилганларни қизиқтирган саволларига жавоб беришди.

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,**  
меҳнат фахрийси

## Ойлик иш ҳақи ундириб берилди

**О.Жўраев 2007 йилдан буён «Маҳалла» хайрия жамғармаси Сариосиё туман бўлинмасида бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келарди. Нима бўлдию, жамғарманинг туман бўлинмаси буйруғига кўра иш берувчи О.Жўраев билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 99-моддасига асосан бекор қилди. Орадан бир қанча муддат ўтса ҳам О. Жўраевнинг ойлик иш ҳақи ва ҳисоб-китоб пуллари бериб берилди.**

Натижада, собиқ ходим Сурхондарё вилоят давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вакилликка шикоят қилишга мажбур бўлди. Касаба уюшма ҳуқуқшунослари масалани ўрганиб қуйидагиларни аниқлади.

Меҳнат кодексининг 154-моддасида «Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу Кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт» деб кўрсатилган. Меҳнатга ҳақ тўлаш муддати эса ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмас.

«Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабига кўра, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари ходимларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун шахсан жавобгар эканлиги кўрсатилган.

Касаба уюшмалари ҳуқуқшуносларининг саъй-ҳаракатлари туфайли О.Жўраевга кечиктирилган 511 384 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

**З.ХОЛОВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилоят вакиллиги ҳуқуқий бўлим мудири

Ҳар бир истеъмолчи бирор бир товарни сотиб олишга киришар экан, аввало, уни ўша маҳсулотнинг сифати ва нархи қизиқтиради. Битта ишлаб чиқарувчи томонидан ишлаб чиқарилган бир турдаги ва сифатдаги маҳсулотнинг нархлари турлича бўлиши эса истеъмолчига хуш ёқмаслиги табиий. Масалан, кийим-кечак маҳсулотларини олайлик. Битта ишлаб чиқарувчи томонидан тайёрланган, бир хил бичим ва рангдаги палтони бир дўконда 200 минг сўмга, бошқасида 400 минг сўмга баҳоланаётганлигини қандай тушуниш мумкин? Ёки дори воситалари нархларида ҳам шундай ҳолатлар мавжуд. Бир таблетка валидол сўраган истеъмолчидан дорихона мудири ҳеч иккиланмасдан 800 сўм тўлаб қўйишни талаб қилиши инсофданми? Нима учун дори воситалари нархларини шакллантиришнинг белгиланган меъёрлари мавжуд бўлса-да, нархлар турлича?

## Оммавий

### ёки истеъмолчи товарнинг нархини

Шу ўринда муҳокамага арзирли савол туғилади. Истеъмолчи товарнинг нархини, шаклланиш тартибини текшириш ҳуқуқига эгами?

Гарчи фуқаро ўзи маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш орқали ўз эҳтиёжларини таъминлаши мумкин бўлса ҳам, фан-техника тараққий этган бугунги даврда бу эҳтиёжларни қондириш гоят мураккабдир. Демак, истеъмолчи ўз эҳтиёжларини асосан шартномалар тузиш орқалигина қаноатлантириши зарур бўлади.

Шартнома тузишда истеъмолчи эркинлик ҳуқуқига эга. Бу қонун билан кафолатланган. Бундан ташқари, истеъмолчи қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномаларни ҳам тузишга ҳақлидир.

У шартнома тузиш эркинлигидан ташқари шартнома асосида оладиган товарни, ишни, хизматни эркин танлаш ҳуқуқига эга. Бу унинг асосий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Бу ўринда сотувчи, ишлаб чиқарувчи, ижрочи истеъмолчига тавсия ва маслаҳатлар бериши мумкин ҳолос. Товарни қабул қилиш ёки қилмаслик мулақо истеъмолчи ихтиёрида.

Нархнома билан қўйилган товарлар, ишлар, хизматлар преискуррант товар (иш, хизмат)лар ҳақида истеъмолчи эътиборига ҳавола этиладиган маълумотлар шартнома тузиш учун тақлиф ҳисобланади. Демак, бунда истеъмолчига шартнома тузиш тақлиф билан тадбиркорлик субъекти бўлган сотувчи, ишлаб чиқарувчи, ижрочи мурожаат қилаётганлиги тушунилади. Оммавий оферта нима?

Нархномалар билан товарларни пештахтага, сотув салононига, залига қўйиб савдо биноларининг эшикларини очиб қўйиш оммавий оферта ҳисобланади. Оммавий оферта, биринчидан, номуайян доирадаги шахсларга йўлланади, иккинчидан, унда шартноманинг барча асосий шартлари мавжуд бўлади, учинчидан, оммавий офертада тақлиф қилаётган тадбиркорлик субъектининг ушбу тақлиф қабул қилинаётган ҳар қандай истеъмолчи билан шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб туради. Бу ҳақда Фуқаролик кодексининг 426-моддасида ҳам қайд этилган. Яъни, чакана олди-сотди шартномасининг барча муҳим шартларини ўз ичига олган ҳолда, товар рекламаси, катологлар, шунингдек, товарнинг номуайян шахслар доирасига қаратилган бошқа

Илгари туман марказлари ёки қишлоқларда нари борса битта ёки иккита дорихона бўларди. Уларнинг ҳаммасида ҳам керакли доридармонларни топиш амри маҳол эди. Ҳозир эса ўзимизда ва турли хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган дорилар билан лиқ тўла дорихоналарни ҳар қадамда учратиш мумкин. Бу яхши. Бироқ уларнинг баъзиларида сертификати бўлмаган, яроқсиз, кафолатланмаган, муддати ўтган ёки контрабанда йўли билан олиб келинган, соғлиқ учун фойдасидан кўра зиёни кўпроқ маҳсулотлар ҳам сотилаётгани кишини ташвишга солади.



## ДОРИХОНАДАГИ НОҚОНУНИЙ ИШЛАР

Масалан, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг режаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг буйруғига асосан мутахассислар томонидан Узун туманидаги «Тахмина НЗС» кўп тармоқли хусусий фирмасига қарашли дорихонада текшириш ўтказилганда, давлат рўйхатида қайд этилмаган 6 турдаги 33 ўрам дори воситалари, 4 турдаги 20 ўрам контрабанда маҳсулотлари, яроқлилик муддати ўтган 3 турдаги 5 ўрам дори воситалари борлиги аниқланган.

Шунингдек, дорихонада бинога эгаллик ёки фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатлар, 19 турдаги дори воситалари ва тиббий буюмларга сифат сертификатлари ҳамда 7 турдаги дори воситаларига давлат тилидаги йўриқнома, бундан ташқари,

дорихонада бўлиши шарт бўлган 20 хил турдаги дори воситаларидан 1 тури йўқлиги маълум бўлди.

Бу билан «Тахмина НЗС» кўп тармоқли хусусий фирмаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида»ги Низом ҳамда тарафлар ўртасида тузилган битим талаблари бузилган.

Натижада, юқоридаги ҳолат юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги Сурхондарё вилояти хўжалик судига даъво киритди. Суд даъвои қаноатлантириб, жавобгарнинг лицензиясини бекор қилди ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа чораларни кўрди.

**И.ҲАКИМОВ,  
Сурхондарё вилоят хўжалик суди судяси.**

**И.РУСТАМОВ,  
вилоят хўжалик суди матбуот котиби**

тарифлари орқали товар таклиф қилиш оммавий оферта ҳисобланади. Товарни кўргазмага қўйиш, уларнинг намуналарини намойиш этиш ёки савдо бўлаётган жойда сотилаётган товарлар ҳақида маълумотлар бериш, сотувчи тегишли товарларнинг сотилишга мўлжалланмаганлигини белгиланган ҳол-

бош тортишига йўл қўйилмайди. Масалан, савдо дўкони очиб, пештахталарда нархи ёзилган товарлар қўйиб қўйилган, бундай ҳолатда сотувчи товар сотиб олмоқчи бўлган харидорга рад жавоби беришга ҳақли эмас. Бу ўринда сотувчи жавобгар ҳисобланади ва истеъмолчи даъво талаби билан судга

зарур бўлган назорат-ўлчов асбобларини тақдим этиши лозим. Ушбу назорат-ўлчов асбоблари тарози, калькулятор, чизгич, стандарт идишлари кўринишида бўлиши мумкин.

Шунингдек, сотувчи истеъмолчига нархга доир ҳужжатларни тақдим этиши лозим. Прейскурант, фактуралар тегишли равишда ваколатли шахс имзоси билан тасдиқланган бўлиши шарт. Умумий қоида бўйича бозор муносабатлари шароитида ўзаро келишув баҳоси амал қилади.

Бироқ айрим ҳолларда қатъий белгиланган нархлар айрим товарларга нисбатан қўлланилади. Қатъий белгиланган нархлар оширилиши мумкин эмас, бироқ ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочи уларни камайтиришга ҳақли бўлиши мумкин.

Шундай экан, ҳар бир истеъмолчи товар сотиб олаётган ёки иш, хизматга буюртма бераётган пайтда унинг нархлари қандай шаклланганлигини текшириш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Бу савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймайликда муҳим аҳамият касб этади.

**Д.ЖўРАЕВ,  
Қарши шаҳар  
истеъмолчилар  
ҳуқуқларини ҳимоя  
қилиш жамияти раиси**

## ОФЕРТА

текшириш ҳуқуқига эга(ми)?

лардан ташқари, нархи ва олди-сотди шартномасининг бошқа муҳим шартлари кўрсатилган-кўрсатилмаганлигидан қатъи назар, оферта ҳисобланади.

Оммавий оферта асосида кўпинча оммавий шартномалар тузилади. Оммавий шартномалар орқали хизмат кўрсатувчи ташкилот бир истеъмолчининг бошқа истеъмолчидан афзал кўришга ҳақли эмас. Гарчи бозор муносабатлари шароитларида эркин нарх амал қилса ҳам, шуни унутмаслик керакки, товарлар, ишлар, хизматларнинг баҳоси, шунингдек, оммавий шартномалар ҳамма истеъмолчилар учун бир хил қилиб белгиланади.

Ташкилотнинг истеъмолчига товарларни бериш, хизматлар кўрсатиш, унинг учун тегишли ишларни бажариш имконияти бўла туриб, оммавий шартнома тузишдан

мурожаат қилиши мумкин

Шунинг билан бир қаторда истеъмолчи сотиб олинган товар (иш, хизмат) сифатини, бутлигини, вазни ва нархини текшириш ҳуқуқига эга. Ушбу текшириш харидор томонидан мустақил равишда ёки сотувчи ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Агар истеъмолчи сотувчи ёрдамида бош тортса, сотувчи текшириш жараёнини унга аралашмаган ҳолда кузатиб туриши керак.

Товарнинг нархини текширишда аниқ расмийлаштирилган нархномалар мавжудлигига алоҳида эътибор бериш зарур. Чакана савдо қоидаларининг 6-11-бандларига мувофиқ, нархномалар тегишли шаклда расмийлаштирилган, ёзма маълумотлар кўринишида бўлиши шарт.

Сотувчи истеъмолчига товарлар сифати, бутлиги, вазни, нархини текшириши учун

## Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар

Сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида изчил олиб борилган ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг судларга бўлган ишончи мустаҳкамланди. Бунда кассация инстанцияси ислоҳ қилинган муҳим аҳамият касб этади. Суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби амалиётга татбиқ этилгани самараси ўлароқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.

Фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлса, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида, адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиши кафолатланади. Яъни фуқароларнинг биринчи инстанция судлари қарорларига нисбатан шикоятларни яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби тугатилди. Буларнинг бари, биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида турли тушунмовчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади. Судларнинг ихтисослашуви, ярашув, «Хабеас корпус» институтларининг жорий этилиши жинойат ҳажо тизимидан ўлим жазосининг чиқарилиши — буларнинг барчаси фуқароларимизнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишининг муҳим омилларига айланди.

Президентимиз томонидан суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга доир билдирилган қонунчилик ташаббуслари ҳам шу нуқтаи назардан жамият ҳаётини янада модернизация қилишда катта аҳамият касб этади. Уларда мустақиллик йилларида тўплан-

ган давлатчилик тажрибаси, халқимизнинг кўп йиллик тарихий сабоқлари ва аъёнлари мужассамлашган. Қолаверса, бугунги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий, давлат-ҳуқуқий муносабатлар соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни тақозо этмоқда.

Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексининг 29 ва 31-бобларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилди. Яъни уларга кўра, судга қадар иш юритув босқичида қўлланиладиган чоралар — лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чоралар фақат судьянинг санкцияси асосида қўлланиши тартибини жорий этиш кўзда тутилган. Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириб, жиноят жараёнида «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради.

**Хусниддин  
БОЙНАЗАРОВ,  
Фаргона вилоят  
адлия бошқармаси  
ходими**

## Электрон пул ... Пул эмасми?

Мамлакатимиз Президентининг «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талаблари бажарилиши юзасидан жорий йилнинг ўтган чораги давомида Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан 33 та қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Натижада бир қатор савдо муассасаларида қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Қизилтепа тумани Ўзбекистон шоҳ кўчасида жойлашган «Файз» умумий овқатланиш шохобчасида ўтказилган қисқа муддатли текширишда сотувчилар томонидан пластик карточкалар орқали тўлов қабул қилинмаётгани қайд этилди. Бундан ташқари, сотувчилар тушган нақд пуллари назорат касса машинасига кирим қилинмаётганлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Навоий шаҳар Энергетик кўчасида жойлашган «SOGD TELEKOM» хусусий корхонасига қарашли кабель телевидениеси намойиши учун тўловларни қабул қилиш шохобчасида ҳам шундай ҳолатга дуч келинди. Яъни, шохобча ҳазиначиси томонидан мижозга 8000 сўмга терминал карточкаси орқали хизмат кўрсатиш рад қилинди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан далолатнома расмийлаштирилиб, қонуний чора кўриш учун туман Давлат солиқ инспекциясига юборилди.

**Одил РАҲМОНОВ,  
Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходими**



# Интеллектуал юксалиш ва ишлаб



«Хозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда».

(Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан)

## Фуқаролик жамияти пойдевори

Жамиятда инсон муқаррар равишда бошқа инсонлар ҳамда давлат бошқарув органлари билан ўзаро муносабатга киришади. Бунда у зарур сиёсий, ҳуқуқий онг ва билимларга таяниши зарур. Акс ҳолда содир бўлаётган жараёнлардаги ўзининг индивидуал ролини англаб ета олмайди. Мамлакат, жамиятда олиб борилаётган ислохотлар натижаси эса бевосита уларнинг моҳиятини шу жамият аъзолари томонидан англаниши ва қувватланишига боғлиқ.

Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида жамиятда ошқоралик ва халқ назоратини янада кучайтиришнинг зарурлигини таъкидлаб шундай ёзади: «Энг аввало сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлари қандай

қабул қилинишини, уларнинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур. Бошқача айтганда, улар ўз истиқболлари қай тарзда белгилаётганлигидан хабардор бўлиб туришлари керак».

Демократия шароитида сиёсий ҳаётда фаол қатнашаётган ҳар бир фуқаро ўз юртининг, халқининг ажралмас бир бўлаги эканлигини англаши — нафақат миллий маънавият ва онгнинг таркибий қисми, айна пайтда сиёсий ҳаёт, жараёнларнинг ҳам ўзига хос негизи эканлиги эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Бунда, аввало, фуқароларнинг ислохотларни тўғри талқин қилишлари, мамлакат тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишлари ва давлат бошқарувида иштирок этишга имкон берувчи сиёсий-

ҳуқуқий механизмлардан эмин-эркин фойдаланишлари учун зарур шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун эса фуқаролардан маънавий, маърифий, ижтимоий, иқтисодий, ғоявий-мафкуравий ҳамда сиёсий соҳаларда етарлича билим ва кўникмалар талаб этилади.

Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий маданияти мамлакатда олиб борилаётган сиёсий жараёнларда кузатилади. Маълумки, мамлакатимизда мустақилликдан кейин бир қанча сайловлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари ўтказилди. Сайловлар — мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлиқ демокра-

тик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масалалар. Аҳолида сиёсий маданиятнинг юксалиши эса сайловларнинг демократик тамойиллар асосида ўтиши ва фуқароларнинг эркинлик ҳамда манфаатларининг таъминланишида ўз ифодасини топади.

Шуниси эътиборга сазоворки, бизнинг сайлов тизимимиз хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини оширишда ўзига хос омил бўлиб, Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига сиёсий партиялардан кўрсатиладиган депутатликка ном-

зодларнинг камида 30 фоизини аёллар ташкил этиши шарт экани тўғрисидаги норманинг киритилгани бунинг яққол тасдиғидир.

2009 йилги сайловлар жараёнида айна ана шу норманинг татбиқ этилиши парламентнинг қўйи палатасига умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этадиган 33 нафар хотин-қиз депутатни сайлаш имконини берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш эвазига мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда. Уларнинг ҳаётга таъсирини оширишда Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» алоҳида ўрин тутди.

**Иномжон ШОКИРОВ,**  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Президенти  
хузуридаги  
Давлат ва жамият  
қурилиши академияси  
тингловчиси

## Ишланма... Ғаладонда

**Тараққиётнинг биринчи жиҳати, бу илғор илм-фан ютуқларини иқтисодиёт тармоқларига жорий қилишдир. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни бекиёс эканлигини қайд этиш жоиз. Негаки, инновацион лойиҳалар аксарият ҳолларда, аввало, тадбиркорликда қўлланилади. Чунончи Президентимизнинг: «...кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш — устувор вазифа бўлиб қолади» дея соҳани қўллаб-қувватлашга эътибор қаратиши ҳам бежиз эмас.**

**Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида ташкил этилган «Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари ёш олимлар нигоҳида» республика илмий-амалий конференциясида ҳам бунга алоҳида эътибор берилди. Муҳими, ишланмалар ғаладонда қолиб кетмай, амалда татбиқ этилаётганида.**

**Фурсатдан фойдаланиб, катта натижаларни кўзлаётган айрим изланишлар билан қизикдик.**

### Тома-тома кўл бўлур

Маълумки, сув тақчиллиги сабабли, кузги бугдойдан бўшаган майдонларнинг аксарият қисмида такрорий экинлар экилмайди. Аслида бу ерларда кунгабоқар, соя ва бошқа экинларни етиштириш аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Аммо сувни тежайдиган технологиялардан фойдаланибгина мақсадга эришиш мумкин.

Бунда томчилатиб суғориш энг самарали усуллардан ҳисобланади. Яъни сув барча экин майдонига эмас, балки экин илдиз системасининг ривожланиш зонасига берилади.

Паст босимли томчилатиб суғориш усули билан кузги бугдойдан бўшаган ерларда кунгабоқар экинларини етиштиришда суғориш тартибларини ўрганиш бўйича Сурхон-Шеробод воҳасининг сахро-қум тупроқлари шароитида олиб бораётган тажрибаларимиз кунгабоқар ва соядан гектаридан камида 22-26 центнердан ҳосил олиш ва сув ресурсларини 41-49 фоизга тежайш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, институтимизда паст босимли томчилатиб суғориш

тизимини такрорий экин сифатида экилган мойли экинларни суғоришга мослаб такомиллаштириш ўрганилмоқда. Бу тизим махсус босим ҳосил қилувчи насосларсиз, табиий ва 1,0-1,5 метр сунъий босим остида ишлагани учун паст босимли томчилатиб суғориш тизими деб аталди. Чет элда ишлаб чиқарилган томчилатиб суғориш тизимлари учун 1-3 атмосфера (10-30 метр сув устунига тенг) миқдорда босим ҳосил қилувчи алоҳида насос қурилмалари ўрнатилиши шарт.

Паст босимли томчилатиб суғориш тизими табиий (сув манбаси суғориладиган майдон сатҳидан 1,5 - 2,0 м. баланд бўлганда) ва сунъий (сув манбасидан 2-5 м. баландликдаги ҳар хил ҳажмдаги идишлардан) усулда сув билан таъминланиши мумкин.

Тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, Сурхон-Шеробод воҳасининг суғориладиган сахро-қум тупроқларида соя ва кунгабоқар экинини эгатлаб ва томчилатиб суғоришда, суғоришдан олдинги тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-60 фоиз бўлиши ва бунда эгатлаб суғоришда соя экинни мавсум давомида 9 марта, кунгабоқар экинини эса 7 марта суғориш мақсадга мувофиқ бўлиб, ҳар галги суғориш меъёри гектарига 500-600 метр куб бўлиши лозим.



Шу экинларни юқорида келтирилган тупроқ намлигига мувофиқ томчилатиб суғориш усулида, сояни 10 марта, кунгабоқарни эса 8 марта суғорганда, бунда ҳар галги суғориш меъёри гектарига 200-250 метр кубни ташкил этади. Юқоридаги суғориш тартибига амал қилинса, соядан гектарига 22,6-24,0 центнердан кунгабоқардан 22,7-23,6 центнердан ҳосил олиш таъминланади.

**А.МАМАТАЛИЕВ, Т.МАЖИДОВ,**  
Ташкент ирригация ва  
мелиорация институти  
тадқиқотчилари

### «Саломатлик чашмалари»

Сабзавотлар таркиби углевод, оқсил, ёғларга бой бўлиш билан бирга, парҳез дориворлик хусусиятини ҳам ўзида муҳассам этади. Бу хусусиятлар уларнинг таркибидаги биологик фаол моддалар, витаминлар, минерал тузлар, пектинлар, ферментлар, эфир мойлари, органик кислоталар, ифорий моддалар, фитонцидлар ҳисобида ҳосил бўлади. Шу боисдан сабзавотларни «саломатлик чашмалари» деб аташади. Сабзавотлар таркибида инсон саломатлиги учун зарур ҳисобланган витаминларнинг 13 тури — минерал тузлар, ферментлар, фитонцидларнинг мавжудлиги улар энг қимматбаҳо неъмат эканлигини кўрсатади.

Чучук қалампир ҳам қимматбаҳо сабзавот ҳисобланиб, таркибидаги аскорбин кислотаси миқдорига кўра барча сабзавотлардан устун туради. Улар меваларининг пишиш даражасига қараб 100 грамм қуруқ моддаси таркибида 100-200 мг. витамин С бўлади. Чучук қалампир мевалари

# Чиқаришни модернизациялаш давр талаби

**Мамлакатимиз одил жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич бормоқда. Ҳаётнинг ўзи олдимизга тадрижий ривожланишнинг асосий модели бўлган «кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини янада кучайтириш ва самарасини ошириш заруратини тобора қатъий қилиб қўймоқда. Юртбошимизнинг «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз» деган сўзларининг маъно-мазмунини ҳам адолат, инсон манфаати бош омил сифатида эътироф этилади.**

## Миллий тараққиёт ва ижтимоий иш

Қадим замонда ногиронлар, қариялар, болалар ва умуман муҳтожларга ёрдам алоҳида шахслар ва гуруҳлар томонидан кўрсатилган бўлса, XIX аср охириларидан бу функцияни давлат ташкилотлари ўз зиммасига олди. Улар билан бир қаторда нодавлат ташкилотлар ҳам пайдо бўла бошлади. Муҳтожларга ёрдам бериш учун махсус тузилган ана шундай ташкилот ва муассасаларнинг пайдо бўлиши эса янги касб, муҳтожларга ёрдам кўрсатишни касбий асосда амалга оширувчи мутахассисларнинг майдонга келишига асос бўлди. Бу мутахассислик ижтимоий иш номи билан атала бошланди.

Республикаимизга янги соҳа сифатида кириб келган ижтимоий иш ҳам айнан инсон манфаати, уни қўллаб-қувватлаш ҳамда моддий ёрдам кўрсатиши каби вазифаларни ўзида мужассам қилади. Ҳозирги вақтга республикаимизда бу соҳа ва-

киллари ўрнини маҳаллаларда маҳалла фаоллари, Мурувват, Меҳрибонлик ва Қариялар уйлари ишчи-ходимлари босмоқда. Бинобарин, алоҳида касб эгаси бўлган ижтимоий иш соҳаси мутахассислик сифатида мамлакатимизда янги соҳа ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий иш касбига мутахассис кадрлар тайёрлаш жараёни икки босқичда, яъни, ўрта махсус касб-хунар коллежлари орқали ҳамда олий таълим босқичларида амалга оширилмоқда. Олий таълим босқичида бу фаолият 2003 йилда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида бошланди. Вазирлар Маҳмаси томонидан тасдиқланган давлат таълим стандартлари асосида 4 йилдирки бакалаврият ва магистратура босқичларида кадрлар тайёрланмоқда. 2006 йилдан бошлаб Фарғона ва Самарқанд Давлат университетларида ҳам ижтимоий ишчи касбига кадрлар тайёрлашга ўтилди.

Ўзбекистон тарихига назар солсак, ижтимоий иш, яъни ижтимоий муҳофаза ва ўзаро ёрдам ажодларимиз томонидан юритилиб келинган. Бундан уч минг йил илгари қадимий Хоразмда дунёга келган «Авесто» китобида бу ҳақда маълумотлар бор. Ушбу муҳим манбада эзгу ўй, эзгу сўз, савоб ишлар маънавиятимизнинг гултожи деб эъзозланган.

Ҳар бир ижтимоий тузум келажаги кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси, фан ва маданият ҳамда қадриятлар тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Ижтимоий тузумнинг ҳар бир босқичида ўзига хос инсонпарварлик, меҳр-шафқат, мурувват, етим-есир, бева-бечора, ёлғиз кексалар, ночор ва кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам бериш каби улуғ гоғлар бўлган.

IX-XV асрлар Марказий Осиё маънавий маданияти ривожига муҳим давр ҳисобланади. Бу даврда қатор мутафаккирлар инсонпарварлик, яхшилик ва эзгулик, меҳр-му-

рувват, савоб ва саховатпешалик, ўзаро ёрдам каби гоғлар акс эттирилган дурдона асарлар яратдилар. Соҳибқирон Амир Темур даврида фан, маданият, санъат ва адабиёт билан бир қаторда қадриятлар ҳам камол топди. «Темур тузуқлари» асарида Амир Темур шундай ёзган:

«Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорларга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим».

Соҳибқирон Амир Темур саъй-ҳаракатлари билан мадрасалар, саройлар, бозорлар, равоту карвонсаройлар, кўприклар, сув ҳавзалари бунёд этилди.

Президентимизнинг «Шахсан мен «Темур тузуқлари»ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор муурожаат қилиб,

ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканлигига кўп бор ишонч ҳосил қилганман» деган сўзларида олам-олам маъно бор.

Алишер Навоий даромдининг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Шоир бутун умри бўйи инсонпарварликни, одамийликни куйлаб, уни улуғлаб ўтган. Кишилар гамида бўлиш, яхшилик қилиш, мурувват кўрсатиш буюк сиймо ҳаётининг мазмуни бўлган. Навоий саховат ва мурувватда беназир инсон саналган. Ул зот жамғармаси ҳисобидан қинчодаларканча бинолар, иншоотлар барпо этган. Тасаввуф тариқати вакилларида бири Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд меҳнати билан кун кўрган, топган-тутганларини етим-есирларга, бева-бечораларга инъом этган.

Асрлар оша ажодларимизнинг энг эзгу амали бўлган бундай бағрикенглик, саховатпешалик бугун давлатимиз сиёсатида устувор вазифа сифатида кўтарилганлиги аввал-бошданок тўғри йўл танланганлигининг ўзига хос исботидир.

**Шахноза ЖУМАҚУЛОВА,**  
Тошкент Маданият институти тадқиқотчиси

## Қолиб кетмасин

каротинга (1,7-2,0 мг/100 г.), В гуруҳ витаминлари (0,09-0,02 мг/100 г.), никотин кислотасига (0,5-0,6 мг/100 г.) бойдир. Инсоннинг бир кеча-кундузлик витаминларга эҳтиёжини қондириш учун 20-50 г. чучук қалампир истеъмол қилиш етарли ҳисобланади. Унинг мевалари таркибидаги витаминлар микдори иссиқхоналарнинг асосий экинлари ҳисобланган помидор ва бодрингдан 5-10 марта кўп. Мевалари тўйимли ва шифобахш бўлгани боис кўпгина мамлакатлардаги очик майдонларда, мавсумдан ташқари даврда иссиқхоналарда етиштирилмоқда. АҚШ, Германия, Швейцария, Испания, Финландия, Исроил, Голландия, Япония, Россия каби давлатлар шулар жумласидан.

Ҳозирда Ўзбекистондаги иссиқхоналарда ҳам чучук қалампир кам тарқалган сабзавотлар қатори кичик майдонларда экилмоқда. Уларни етиштириш бўйича илмий асосланган тавсияларнинг етарли эмаслиги сабабли олинаётган экин ва даромад микдори шахсий томорқа фермер хўжалиги эгаларини қониқтирмай келади. Лекин бу сабзавот турига аҳолининг талаби тобора ортиб бормоқда. Юқоридагиларни ҳисобга олиб, биз иссиқхоналарда етиштириш учун серҳосил чучук қалампир нав ва дурагайларини аниқлаш мақсадида дала тажрибалари ўтказдик. Дала тажрибалари Тошкент давлат аграр университетининг ўқув тажриба станциясидаги плёнкали иссиқхоналарда олиб борилди. Тажрибалар тўрт бор такрорланишда 7 метр квадрат бўлган ҳисобли майдонларда «Дар Ташкента», «Ласточка» нав-

лари ҳамда «Орион F1», «Олимпус F1» дурагайлари билан олиб борилди. Чучук қалампирнинг 45 кунлик кўчатлари 70x35 см. оралиқда экилди. Ўтказилган кузатишлар натижасида иссиқхоналар ичидаги микроқлим шароити нав ва дурагайларни ўсиш ҳамда ривожланиш босқичларининг ўтишига турлича таъсир кўрсатиши аниқланди. Синалган дурагайлар «Орион F1», «Олимпус F1» навларига қараганда ўсимликларнинг узунлиги, барглари сони ва ўлчамлари, ҳосилдорлиги бўйича устунлигини кўрсатди.

**З.АБДИЕВ,**  
Тошкент Давлат аграр университети тадқиқотчиси  
Тупроқ унумдорлиги

Соҳанинг ривожланиши, аҳоли сонининг ортиб бориши, саноатнинг жадал суръатда тараққий этиши натижасида табиий ресурсларга бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Албатта, ушбу ресурслардан оқилона фойдаланишда суғориш тизимларида янги агромегиоратив тадбир ва лойиҳаларни қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг учун агромегиоратив ҳолати, сув-физик, кимёвий ва бошқа хоссалар — тупроқлар унумдорлигини етиштирилаётган экинлардан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган даражага келтиришнинг илмий асосларини яратиш зарур.

Бунда ҳар бир ҳудудда тарқалган тупроқлар хусусияти, имконияти чуқур ўрганилиб табақалаштирилган агромегиоратив ва агротехник тадбирларни қўллаш қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни бозор иқтисо-

диёти шароитида юритишнинг асоси ҳисобланади.

Жумладан:


— унумдорлиги паст, қатлам остида қум-шағал бўлган адирлар Ўзбекистонда 130 минг гектарни ташкил этади. Тупроқнинг сув хоссаларини яхшилаш, ўсимлик илдизи тарқалган қатламда унумдорликни тезкор шакллантиришга оид ташкилий-технологик ва агротехник тадбирлар қўллаш самарали ҳисобланади.

— Шамол эрозияси оқибатида емирилган тупроқлар юртимизда 700 минг гектарни ташкил этади. Бундай тупроқларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини қайта тиклаш учун махсус ихота дарахтзорлари, кимёвий, биологик, агротехник тадбирлар мажмуини амалиётда қўллаш яхши натижа беради.

— Сув эрозияси оқибатида емирилган тупроқлар унумдорлигини сақлаб қолиш учун эса биринчи навбатда, устки қатламдан заррачалар ва озуқа моддалар ювилишининг олдини олиш керак. Масалан, дала сатҳининг тузилишига қараб ҳайдаш, далаларни ўсимлик билан бақд қилиш, полимер бирикмалар қўллаш ва ҳоказолар.

— Тақир, тақирсимон, оч тусли қўнғир тупроқлар майдони бизда 320 минг гектар. Уларни органик ва минерал ўғитлар билан бойитиш, алмашлаб экиш схемаси ва алмашлаб экиш ротацияси қўллаш, сув-физик хоссаларини яхшилаш анча яхши самара беради.

— Дағал склетли, қум-қумлоқ тупроқлар майдони 220 минг гектарни ташкил этади. Бунда ҳар бир тупроқ учун зарур бўлган алмашлаб экиш, органик ва минерал ўғитлар тизими, агрокимёвий, биологик хоссаларини



яхшилаш режалаштирилган ҳосилни олиш имконини беради.

— тошлоқ тупроқлар майдони 140 минг гектар. Мазкур ҳудудларда биринчи навбатда, далаларни тошдан тозалаш учун махсус тадбирлар, органик ва минерал ўғитлар, ва албатта, алмашлаб экиш тартибини қўллаш яхши самара беради.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, тупроқ учун энг керакли тадбирлардан бири, бу алмашлаб экишдир. Шу билан бир қаторда, минерал ўғитлар тизими бу борада муҳим аҳамият касб этади. Таъкидланган тадбирлар кескин сезилаётган сув танқислиги шароитида суғориладиган тупроқлар маҳсулдорлигини оширишга имкон яратади. Умуман олганда, тупроққа мунтазам ишлов бериш ҳам юқори ҳосил олишни таъминлайди, ҳам табиий ресурсларни бугунлигича келажақ авлодга етказишга асос бўлади.

**Б.СОИПОВА,**  
Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаси.  
«Ishonch» мухбири  
Акмал ТОШЕВ ёзиб олди

1.

Бир неча йиллар бурун кўшни Бошжонбўз қишлоғидан бўлган Эрназар деган танишим эл орасида Адирма шаҳар деб номланган қадимий макондан топилган миттигина аёл ҳайкалини кўлимга тутқазиб, деди:

— Домла, мана бу ҳайкални болалар Адирмада кўй боқиб юриб топиб олибди, бизда турса, йўқолиши мумкин, ўзингиз бир текшириб кўрарсиз...

Сополдан ясалган ҳайкални кўлга олиб, танишимга миннатдорчилик билдирдим.

Адирма шаҳар... Бир томони Чиял даштлари, иккинчи томони Қашқадарё тарафга олиб борувчи қадимги йўлда жойлашган кўҳна ва сирли хароба. Бир борганимда қадамлаб ўлчаганим ёдимда. Юз йигирма қадам, иккинчи томони ҳам тахминан шунча бўлган тепалик.

Шарқ ва жануб томонга қурилган дарвозалар ўрни кўришиб турибди. Қалъа мустақкам девор

ни кўлга киритишга кўзи етмай турган бир маҳалда, ёв лашкарбошиси ёнига бир эчкибоқар кал одам келиб, қалъани қандай иш-ғол қилиш йўлини билишини айтибди. Лашкарбоши унга бир ҳовуч тилло танга берибди. Эчкибоқар лашкарбошига:

— Хув қуйида дарёдан ажраган бир ариқ бор. Ариқнинг суви ер ости қувуридан кўрғонга боради. Ариқни кўминглар, шунда галаба қозонасизлар, — дебди.

Душман аскарлари ариқни кўмибди. Адирма шаҳридагилар сувсизлик туфайли таслим бўлибди. Ёғий лашкарбошиси эса гўзал маликани кўриб, эс-хушидан озаёзибди.

Малика унга шарт қўйибди:

— Шаҳримга зиён етказмай юртингга қайтасан. Агар шартларимга рози бўлсанг, сенга тегаман.

Лашкарбоши шартга кўнибди ва маликани олиб ўз мамлакатига кетибди. Маликанинг шарофати ва гўзаллиги туфайли юрт омон қолибди.

Одамлар юртпарвар малика

қалъа ёки кўрғон деб эмас, шаҳар деб аташган.

Тарих китобларида ўқиганим ёдимга тушади.

Бир замонлар Туронзаминни минг шаҳар мамлакати ҳам деб аташган, дейман ўзимча. Аёл ҳайкалини эса Зардушт илоҳаси ёки Кушон давридаги будда роҳибаси эмасми, деб тахмин қиламан.

Туриб-туриб, японларга қойил қоламан. Қадим аждодларининг кечмишини ахтариб, Сурхондан будда ибодатхонасини топишибди.

Қаердандир ўқигандим, гуржи халқи агар ўтмишга дахлдор бўлса, отнинг тақасини ҳам уйининг тўрига осиб кўяр экан.

Бундан бир неча йил олдин қишлоққа эр-хотин савдогарлар келиб, кимда кўҳна кийим-бош бўладими, мунчоқ ёки буюмми, арзон-гаровга сотиб олиб кетишди. Мен улардан буни нима қиласизлар деб сўрадим. Аёли индамади. Эри эса оҳиста деди: «Ака, булар

## Олтин мерос



# Маъбудда

билан ўралган, ўртада яна тепалик, бу сарой ёки қаср ўрни бўлса керак. Балки унда подшоё ёки малика яшагандир. Хароба атрофида турли ҳажмдаги сопол парчалари сочилиб ётибди. Кўрғонга кирган эски ариқ ўзани ҳам сақланиб қолган. Эл-улус орасида бу сирли макон ҳақида турли ривоят ва афсоналар бор. Айниқса, шу атрофда кўй боққан чўпонлар бу ривоятларни бот-бот гурунларда сўзлаб беришади. Шундай афсоналарнинг бирини мен ҳам эшитувдим. Келинг, уни сизга ҳам айтиб берайин.

2.

Эмишки, бир замонлар Адирма шаҳар қудратли давлатнинг пойтахти бўлган. Мамлакатни одил подшо бошқарар, унинг аҳолиси тўқ ва фаровон яшаркан. Лекин подшони неча йиллардан буён бир ўй қийнар, унинг тахт вориси бўладиган фарзанди йўқ эди. Кунларнинг бирида подшо ғаройиб туш кўрибди. Тушида унинг хотини қиз туғиши, аммо қиз ўн саккиз ёшга тўлганда салтанати инқирозга юз тутиши аён бўлибди. Подшо тушининг таъбирини вазирлардан сўрабди. Бироқ, улар бу сирнинг моҳиятини ечиша олмабди.

Орадан ойлар ўтиб, подшонинг севиқли хотини қиз туғибди.

Йиллар ўтибди, подшо қизининг ўн саккизга тўлишига бир неча кун қолганда, кўчманчи ёғийлар юртга босиб кириб, Адирма шаҳар қамал ичида қолибди. Лекин душман қанчалик ҳужум қилса ҳам кўрғонни забт этолмабди.

3.

Ёғий ҳолдан тойиб, кўрғон-

ҳақида ғамгин кўшиқлар тўқишибди, унинг суратини мусаввирлар тошларга чизишибди, кўзагарлар сополлардан унинг сиймосини ясашибди.

4.

Мўъжазгина аёл ҳайкалини кўлимга олиб томоша қиламан ва сўрайман:

— Кимсан, эй гўзал аёл, исмингни айт, қайси замонда ва маконда яшагансан?

Ҳайкал жим, сукут сақлайди, унинг мендек ношуд қаламқаш билан гаплашгиси йўқ.

— Агар сўзламасанг, сени музейгами ёки бирорта тарихчигами тўхфа этиб юбораман, ўшанда кўрамиз ҳолингни, — дейман ўзимча.

Аёл жим, миқ этмайди.

Кунларнинг бирида қизим уни кўйган жойидан олиб, кўзи ва қошини қалам билан бўяпти.

Қизимни уришиб бердим. Кейин эса маъбудани кўлимга олдим. «Курғур янаям очилиб кетибди», дедим ўзимга-ўзим.

Яна бисотимдаги китобларни титкилайман, унга ўхшайдиган ҳайкаллар ҳақида маълумотлар йиғишга ҳаракат қиламан. Аммо, менинг маъбудам уларга ўхшаймайди. Унинг олис мозийга дахлдор бўлишини, жонсиз тарихий ашёга айланишини истамайман.

5.

Эсимда, бундан ўн йиллар аввал қамашлик марҳум шоир Исмаил Раҳмат хонадонидан бўлган гурунгда Қашқа воҳаси тарихи билимдони Поён Равшановдан Адирма шаҳри ҳақида сўрагандим. Домла бироз ўйлашиб шундай деганди:

— Ҳа, Адирма шаҳарни биламан, бу ҳарбий истехком Македонский давридан қолган бўлиши мумкин.

— Ҳўш, нега одамлар бу жойни

бари тарихий осори-атиқалар. Уругутнинг бозорида хориждан келган сайёҳларга долларга сотамиз...»

6.

Бугун Британия музейининг гултожи бўлган, баҳоси тенгсиз деб нархланган «Аму хазинаси» ҳам юртдошларимиз томонидан четга «совға» қилинган. Бунга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Яқинда кўшни фермер ўғил-қизларини машинасида Шаҳрисабзга айлангани келди. Эртасига кўшидан сўрадим.

— Болаларни Оқсаройга олиб бордингизми?

Кўшним менга ажабсиниб қаради.

— Эй, қизиқмисиз, биз «оптом» бозордан қайтдик...

Орадан кунлар, ҳафталар, ойлар ўтаверди. Менинг маъбудам эса ҳамон ўзининг кечмишини яширганча китоб жавонида турибди. Баъзан таниш-билишларимга кўрсатиб мақтаниб қўяман. Кейин эса Адирма шаҳар ва унинг маликаси тўғрисида ҳеч нарса билмаслигимдан хафа бўламан.

Сабрим тугади. Пойтахтга, тарихшунос укамит Абдусаттор Жуманазарга сим қоқдим. Телефон гўшагидан овоз эшитилди.

— Ака, маъбуданинг изини топдим, ҳадемай унинг қайси даврда яшагани ва ясалгани ҳақида айтиб бераман. Адирма шаҳар тўғрисида ҳам маълумотлар чиқаяпти.

Хушxabардан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Хонамга кирган неварам ҳайкални кўлига олиб деди:


— Бобо, бу момонинг ҳайкалими?

— Ҳа, у бизнинг Онамиз!

Ўролбой ҚОБИЛ

Қамаши тумани

## Ҳазетхон илоҳаси



## Бахт недир?

Бахт недир? Шу жаннат юртдан руҳ олмоқ,

Шу Ватан, халқ учун фидойи бўлмоқ.

Бахт недир? Яхшилик, эзгулик — роҳат,

Бахт — билим, бахт — ҳунар, бахт — сабр-тоқат...

Бахт недир? У — тинчлик, у — хотиржамлик,

У — соғлиқ-саломатлик, эрк ва хуррамлик.

Бахт недир? Эл ичра топмоқлик қадр,

Кўнглини шод этиб, қозонмоқ меҳр.

Бахт недир? Чинакам ишққа дуч келсанг,

Севсанг ҳам севилян — катта бахт, билсанг.

Бахт недир? У — содиқ, жонқуяр дўстдир,

Дўст учун бог ярат, дилда гул ўстир!

Бахт недир? У — қобил фарзанд қамоли,

Ота-онанг бори — турмушининг боли.

Бахт недир? Бошинга тушса қайғу, ғам,

Ёнингда турғувчи ҳамнафас — малҳам.

Бахт недир? Вафодор, сирдош умрдош,

Қалбингни ёритса мисоли кўёш.

Бахт недир? У — дардини, жажли енгил,

У — душмансиз умр, у — энг лойиқ иш.

Бахт недир? У — чирой, гўзал, пок ҳаёт,

Имон билан, ҳалол яшамок — Мурод!

## Ота номи улуғ бўлгай

Ота бор уйда ҳурмат, иззат ҳам тўлиқ бўлгай,

Мушкул иш осон битур, йўллар пок, ёруғ бўлгай.

Бекаму кўст дастурхон, тўй-тўкин қутлуғ бўлгай,

У бор жойда ёлгон йўқ, адолат аниқ бўлгай,

Оламда ота номи ҳамиша улуғ бўлгай!

Ота — оила деган жажжи Ватан бошидир,

Ор, Диёнат посбони, Меҳрининг кўшидир.

У фарзандлар қамоли, кўзу киприк, қошидир,

У бор жойда Оқибат, Қадр баланд руҳ бўлгай.

Оламда ота номи ҳамиша улуғ бўлгай!

У билан ширин турмуш, яшар барча фаровон,

Садоқат, Вафо — мезон, диллар шундан чарогон.

Гоҳ ташвиш, ғам чиқса, отадир яна қалқон,

Чекингай ғараз, иғво, давралар илиқ бўлгай.

Оламда ота номи ҳамиша улуғ бўлгай!

Эй, азиз ўғил-қизлар, отани ардоқлангиз,

Бебаҳо билиб қадрин, соғлигини сақлангиз.

Тиллоларга алишманг, мудом кўнглин чоғлангиз,

Ҳатто аччиқ сўзи ҳам — сиз учун ютуқ бўлгай.

Оламда ота номи ҳамиша улуғ бўлгай!

Ўргатган ҳунарлари — бир умр мадад сизга,

Билимга даъватлари — туганмас давлат сизга,

Насихат, ўғитлари — хазина албат сизга,

Дуоларин олсангиз, юзингиз ёруғ бўлгай.

Оламда ота номи ҳамиша улуғ бўлгай!

Отасини хўрлаган — хору эрдир умрбод,

Уни ким эъзозласа, кечиргай бахтли ҳаёт.

Ота учун жон фидо этсанг арзир, эй, Мурод,

У бор жойда эзгулик, ҳар юмуш қутлуғ бўлгай.

Оламда ота номи ҳамиша улуғ бўлгай!

Мурод РАҲМОН

# «Мен чечанман, ўзим сўзнинг устаси...»

Маънавияти буюк халқимиз. Шу ҳақда ўйлаганимда Юртбошимизнинг «Ўз тарихини билмайди, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ» деган фикрида бир олам маъно мужассас эканлигини тасаввур этиб, ўзимга ўзим савол бераман.

Бу борада ижодкорларимиз эҳтиёжни тўла қоплай оладиган даражада фаолият кўрсатишга қобилми? Беихтиёр кўз ўнгимда кўҳна диёримизда воёга етиб, халқи, Ватани учун улкан ишларни амалга оширган аجدодларимиз намён бўлади. Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтмаганлар, ахир. Шу боис улкан мамлакатимиз тарихи айнан ана шу кичик гўшалар тарихидан бошланишини кўнгилга тугиб, она-қишлоғим Кўрғон ҳақида ушбу мақолани ёзишга жазм этдим.

Айтишларича, Кўрғон қишлоғи азалдан таниқли бўлган. Бир ривоятда ҳикоя қилинишича, машҳур қозоқ оқинларидан бири қишлоғимиз чечанлари ҳақидаги таърифни амалда кўриш, қолаверса, уларни бошлаб мот қилиш ниятида Нурота томонларга от солибди. Қоратовдан ошиб, Оқтов бағирларига етиб келибди. Суриштира-суриштира Жўш даҳасида жойлашган мўъжазгина Кўрғон қишлоғини топибди. Қараса, қишлоққа кирверидидаги уйда бир кампир нон ёпиб турган экан. Салом-алиқдан сўнг оқин ўзини танитмасдан кампирни синаб кўриш мақсадида: «Ҳой шеша, билмейсанми, анов турган товнинг жоши нечада?» деб сўрабди.

Кампир тандирдан ҳозиргина узилган иссиқ нонларни саватга тахлай туриб:

— **Худойимнинг ишин кўр, Фалақнинг гардишин кўр. Мен билмайман жошини, Ўзин очиб, тишин кўр,** — деб жавоб қайтарибди.

Оддий бир кампирнинг ҳозиржавоблигидан лол қолган оқин: «Бу қишлоқнинг бир ожизаси шундай чечан бўлса, бахшиси қандай бўлади?!» деб отини ортага бурган экан.

Ваҳоланки, қозоқ оқини йўлиққан кампир оддий кампир эмас, замонасининг машҳур бахшиси, Кўрғон достончилик мактабининг йирик вакилларида бири Султон кампир эди. Ёдгор бахши авлоди бўлмиш бу оқин аёл XIX асрда яшаган. Унинг ўғли Қулсамад бахши, набираси Қувондиқ бахши, жевараси Синдор Қувондиқ ўғли ўз даврида чечанликда тенги йўқ бўлишган. Қулсамад бахшининг отаси Мулла Ёрлақаб Жуманбулбулнинг акиси эди. Бу ҳақда Эргаш Жуманбулбул ўғли шундай ёзади:

Мулла Холмуроддан учта  
ул қолган,  
Учови ҳам машҳур  
чечанлар бўлган.

Уларнинг катта Жоссоқ (Жошузоқ) шоир, Мулла Ёрлақаб бахши ва кичиги Жуманбулбул шоир бўлган. Академик Ходи Зариповнинг таъкидлашича, Эргаш Жуманбулбул

ўғли туғилган вақтда (1868 йил) Жуманбулбул 50 ёшда бўлган, Жошузоқ шоир ва Ёрлақаб бахшилар ҳам ҳаёт бўлишган.

Жошузоқ шоир ва Жуманбулбул шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида унча-мунча маълумотлар бизгача етиб келган. Аммо Эргаш Жуманбулбул ўғли таъбири билан айтганда, «чечанликда тани сўз билан тўлган», «Жошузоқдан баланд бўлиб ўтган» Ёрлақаб бахшининг ҳаёти ва ижоди деярли ўрганилмаган.

Қарийб 350 йиллик тарихга эга Кўрғон достончилик мактаби ҳақида Эргаш Жуманбулбул ўғли асарларида бир мунча қимматли маълумотлар берилган. Унинг «Таржимаи ҳол» достонида «Мен эллик бир яшар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Жуманбулбул Мулла Холмурод ўғли, Мулла Холмурод Мулла Тошнинг ўғли, Мулла Тош Уста Лапаснинг ўғли, Уста Лапас Ёдгорнинг ўғли. Ўзим ўзбек, туркман жамоасидан (ўзбек уруғларидан бири), уруғим асли қора-қисса қозоёқлигига қўшилади» деб ёзади.

Ёшлигимизда кексалардан ота-боболаримиз бир замонлар Хоразм томонлардан кўчиб келганлиги ҳақида ҳам эшитганман. Лекин бу гапнинг қанчалик тўғри эканини тасдиқловчи манба ёхуд бирорта далил бўлмаган. Фақат шу ерда яшовчи халқларнинг шеваси, айрим урф-одатлари ва бошқа ўхшашликлар, «Гўрўғли» туркумига кирувчи достонларимиздаги қахрамонлар ва воқеалар тавсифидан бу гапларда жон бор, деб ўйлаб юрардим.

Лекин бир халқнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши учун муайян сабаб, тарихий зарурият ва воқелик бўлиши лозим. Хоразмда яшаган халқнинг узок Нурота воҳасига, Оқтов этақларига келиб жойлашиб қолишига нималар сабаб бўлиши мумкин: очарчиликми, қувғинми, урушми?..

Яқинда қишлоққа борганимда, қутилмаганда, бу саволларга жавоб топгандай бўлдим. Узок йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаган, қишлоғимизнинг кекса оқсоқоли Тошпўлат Аҳадов билан сўхбат чоғида у бир қизиқ гапни айтиб қолди. У бу гапларни Раҳматулла Юсуф ўғлидан эшитган экан. Хуллас, унинг таъкидлашича, Шайбонийлар ҳукмронлиги (1500-1601 йиллар) даврида Хоразм ва Бухорога босиб олган хон кўплаб ноёб касб эгаларини ўзи билан бирга олиб қайтган. Кейинги бўладиган жанглар учун кўплаб курул-яроғ лозим бўлишини олдиндан сезган темирчи усталарни ҳам оилалари билан кўчирган. Уларни Самарқанд шаҳрига яқин воҳаларга жойлаштирган экан.

Хоразмлик темирчи Сори уста ва унинг отаси ғўр усталар қилич ясашда тенги йўқ маҳорат эгаси бўлгани боис Шайбоний авлодлари уларни ҳам оиласи билан бирга Самарқанд томонларга олиб кетган. Ғўр уста оиласи Нурота шаҳридан 60 чақирим наридаги Жўш даҳасидан сал тепароқда, Оқтовнинг этагидаги текисликка жойлаштирилган. Устанинг айнан шу жойни

танлагани бежиз эмас эди. Негаки, бу жойдан Нуротани Самарқанд билан боғловчи «Буюк ипак йўли» ўтган, иккинчидан, тоғдан оқиб келаётган булоқ сувлари ариқларда қишин-ёзин аримаган.

Бу гапнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги хусусида қўлимизда ҳеч қандай далил йўқ. Лекин Тошпўлат Аҳадовнинг гапига қараганда шундай манба бўлган. Ўтган асрнинг 30-йилларида мустабид тузум даврида Раҳматулла Юсуф ўғли араб тилида битилган бу манбаларни йўқ қилишга мажбур бўлган. Шу сабабли Раҳматулла шоир ўлими олдиндан Кўрғон достончилик мактабининг тарихига оид маълумотларни Тошпўлат домлага айтиб берган ва уларни қоғозга тушириб қўйишни илтимос қилган экан.

Мазкур мактабнинг йирик вакилларида Пўлкан шоир ўзининг «Шайбонийхон» достонини устози Жоссоқ бахшидан 6 йил давомида ўрганганини эътироф этган эди. Анъанавий достончилик учун хос бўлмаган бу йўналишда достон куйланиши ҳам қандайдир маънода Кўрғон достончилик мактаби ва Шайбонийхон авлодлари хусусидаги воқеалар ҳақиқатга яқин эканлигидан дарак беради.

Ғўр уста, сори усталар ҳам Хоразм воҳасида ном қозongan хунармандлар бўлиши билан бирга достон куйлашда ҳам бе-назир бўлишган экан. Сори устанинг ўғли уста Қулай ота-боболарининг ишини давом эттириб, Кўрғон қишлоғининг пайдо бўлишига асос солган экан.

Учта Қулайнинг учта ўғли бўлиб, каттаси Тов ошар, ўртанчиси Жумакул бўлган. Уста Тов ошарга ҳозирги Тов қишлоғидан, Жумакулга эса Қора қисса қишлоғидан уй-жой солиб берган. Кенжа ўғли ҳали она қорнида бўлган пайтда уста Қулай хон томонидан Кўқон шаҳрига чақирилади. Замонанинг зайли билан уста Қулай Кўқонда бир умр қолиб кетади. Орадан бир неча ой ўтиб, туғилган ўғил фарзандга онаси Ёдгор деб исм қўйган. Шу чақалоқ кейинчалик Ёдгор бахши номи билан эл ичида машҳур бўлган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли «таржимаи ҳол» достонида шундай ёзади:

Бешичи отамнинг отидир Ёдгор,  
Ул вақтда элимда сўзга эътибор.  
Ҳар ерда ўтказиб юрган сўзини,  
Чечанликда ҳеч ким бўлмади баробар.

Ёдгор бахши туғилган Кўрғон қишлоғи XVII асрдан ўлкамиз достончилик мактабларидан бирининг марказига айланган. Ёдгор бахши шу мактабнинг асосчиси бўлган.

Кейинчалик бу мактаб ўз сафларига уста Лапас, мулла Тош, мулла Холмурод, Ёрлақаб бахши, Тилла кампир, Султон кампир, Жолмон бахши, Бўрон бахши, Жуманбулбул, Жоссоқ бахши, Қулсамад бахши, Жолғош бахши, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Қувондиқ бахши, Пўлкан шоир, Бўта шоир, Эгамберди бахши, Марди бахши, Раҳматулла Юсуф ўғли, Марди бахши, Юсуф Саримсоқ ўғли, Зиёдаой Эшназар қизи, Бекмурод Жўрабой ўғли, Омон Қосим



ўғли, Абдумурод Бедилхон ўғли, Норқул бахши, Қилич бахши, Очил Эшмурод ўғли, Алим Ҳаққул ўғли каби кўплаб достончиларни бирлаштиради.

Кўрғон достончилик мактабини ўрганиш борасида узок йиллардан буён тадқиқот олиб борган профессор И.Сувонкулов бу достончилик мактабига мансуб шоирларнинг 52 нафари маълум эканини қайд этган. Профессор Б.Ўринбоевнинг таъкидлашича, бу мактаб намояндалари ишқий-романтик достонларга кўпроқ эътибор берган. Ўзига хос чуқур лиризм, чиройли тасвирлар, шеърӣй безаклар, тафсилотларни атрофлича ишлаш, нозиклик ва жим-жимадорлик Кўрғон достончилик мактаби услубининг асосий белгиларидир.

Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868-1937) мазкур мактабнинг йирик ва атоқли вакилларида бири бўлган. Иқтидорли шоир қирқдан ортик достон, жумладан «Гўрўғли» туркумига кирувчи йигирмадан зиёд достонни мукамал билган. Эргаш шоир ижро этган «Якка Аҳмад», «Кунтуғмиш», «Хушкелди», «Холдорхон», «Далли», «Кундуз билан Юлдуз», «Равшан», «Алибек билан Болибек», «Қиз Жибек», «Ҳасанхон», «Авазхон», «Нурали», «Алпомиш», «Ошиқ Фариб», «Ойсулув» каби достонлари фавқуллодда бадийлиги, гоъвий етуқлиги билан ажралиб туради.

Эргаш Жуманбулбул ўғли ўз асарлари билан ўзбек халқининг ажойиб санъаткори — булбули бўлиб элга танилди. Шоирнинг ўзи айтганидек:

Мен чечанман, ўзим сўзнинг устаси,  
Мендан қолган катта шоир нусхаси,  
Етти пуштим бари шоирга катта,  
Уларнинг сўзининг йўқдир қисқаси...

Биз катталарнинг ёшлигимизда бобо-момоларимиздан достон, эртақ эшитиб, тилимиз чиққан. Бугунги ёшлар достонларга қанчалик қизиқади? Ёки ҳозирги замон ёшларини қизиқтирадиган, уларнинг кўнглига йўл топа оладиган достонлар, эртақ китоблар йўқми? Бир пайтлар бизларни ҳаяжонга солган «учар гиламлар», «сеҳрли қалпоқчалар», «ёрилтош» у «беқанот учган отлар» бугуннинг ёшларини қизиқтирмай қўйдими? Бу воқеалар янги давр техникаси асосида яратилган жангу жадаллар, хунрезликлар, сеҳру жодулар олдида жўнгина ҳодиса бўлиб қолдими? 2-3 ёшли болакайлар ҳам миллий эртақларимиз қахрамонларидан кўра ҳатто бизнинг тилимиз ҳам келишмайдиган хорижий давлатлар мултифилмлари қахрамонларини яхши билишади.

Нима қилмоқ керак? Биринчи навбатда, ёшларда маънавий иммунитетни кучайтириш учун миллий эртақларимиз, достонларимиз қахрамонларини қайта-


дан «жонлантиришимиз» лозим. Уларни китоблар, мултифилмлар, бадий филмлар асосида ёшлар шуурига синдиришимиз керак. Нима учун унда Эргаш Жуманбулбул ўғлининг Тўмарис момомиз сиймоси тасвирланган «Ойсулув» достонини алоҳида китобча ҳолида қайта-қайта нашр қилмаймиз, мактаб дарсликларига киритмаймиз, мултифилм ёки бадий филмлар тарзида ёшлар онгига сингдирмаймиз? Бу достонларга жиндай бадий бўёқ, замонавий безак, миллий-маънавий руҳ берилса, ёшларимизни мафтун этаётган ҳеч бир хориж томошасидан қолишмаслиги аниқ.

1972 йилда «Фан» нашриёти бахши шоирнинг беш томлик «Булбул тароналари» тўпламини 5000 нусхада нашр этган эди. Бу дурдона асарларни аллақачон қайта чоп этиш вақти етиб келди. Ўтган йили атоқли бахши Раҳматулла Юсуф ўғлининг «Гўрўғли» достони лотин алифбосида чоп этилгани кўпчиликни хурсанд қилган эди. Бу хайрли иш давом эттирилса, айни муддао бўларди.

Бир пайтлар эл орасида «Кўрғоннинг қудуғидан сув ичган киши албатта шоир бўлади» деган гап юрарди. 20 та хонадондан иборат шу мўъжазгина қишлоқдан 3 нафар фан доктори, 10 дан зиёд фан номзоди етишиб чиққани бежиз эмас. Кўрғон достончилик мактабининг аъналарини давом эттираётган бахши-шоир, сўзамолларнинг янги авлоди ҳам етишиб келмоқда. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг сози Раҳматулла Юсуф ўғлидан кейин Урол Синдаров, Хомид Исаев, Пирим Юсупов, Шукур Нурбоев, Болтабой Мамарасулов, Аҳтам Ўролов, Абдулла Насимов, Нуриддин Бобоқандов, Шомирза Турдимов, Фахриддин Шодиев, Олқор Дамин, Абдусамид Мамарасулов, Абдусид Нурбоев, Юсуф Қораев, Мушарраф Хўжабекова, Дилором Дилхоҳ, Дилшод Отамуродов каби ижодкорлар қўлига ўтди. Камина ҳам халқимизга 10 дан ортик шеърӣй китоблар тақдим эта олган ҳаваскор шоир сифатида шу мактабнинг кенжа вакилларида бири эканлигим билан фахрланаман.

**Комил СИНДОРОВ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
юшмаси аъзоси

## ● Самбо



# Медаллар шогаси

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида самбо бўйича Осиё очик чемпионати ва самбо юлдузлари ўртасидаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Осиё самбо федерацияси (ASF) ҳамда мамлакатимиз Самбо федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган Осиё очик чемпионатида йигирмадан зиёд давлатдан 500 нафарга яқин спортчи тўққиз вазн тоифасида голиблик учун курашди. Мусобақа доирасида ташкил этилган самбо юлдузлари ўртасидаги жаҳон чемпионатида номдор полвонлар гиламга чиқди.

Самбо бўйича катталар ўртасидаги беллашувларда ҳамюртларимиз беш олтин, олти кумуш ва бир бронза медали соҳибига айланишди.

Ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги баҳсларда спортчиларимиздан С.Иброҳимов, К.Холмаматов, Н.Тўраев ва М.Жуманова ўз вазн тоифасида шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Иқтидорли полвонларимиздан А.Файзуллаев, Ж.Рауфов, Н.Ишметов, Ш.Йўлдошева, М.Саломиддинова, Г.Олимова, М.Эсонова ва Д.Темирова кумуш медал билан тақдирланган бўлса, А.Ҳожиёв, Ш.Қўчқоров, М.Худойназарова, Д.Халимова ва С.Исмоилова бронза медалини қўлга киритишди.

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда спортчиларимиз — Г.Зиёева ва М.Мирзаева олтин медалга сазовор бўлди. В.Искандаров, О.Қодиров, Э.Раҳимов, Ю.Норматова, Д.Исроилова, В.Оздаева ва М.Хўжайёрова иккинчи ўринни эгаллади. А.Хусанов, Ш.Агаев, Ф.Йўлдошев, Ф.Ақомов, Р.Жумаев, Р.Тўхтарбоева, Ч.Қўчқоро-

ва, Ш.Оқбўтаева ва Р.Умедова кучли учликдан жой олди.

Жанговар самбо бўйича беллашувларда полвонларимизга тенг келадигани топилмади. Натижада, Фаррух Жумаев, Илҳом Йўлдошев, Ислоҳ Азимов ва Азамат Турданов Осиё чемпиони деган шарафга муяссар бўлишди.

Самбо юлдузлари ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган вакилларимиздан — Ўктам Ражабов, Давлат Ҳамроев, Суннатилла Азимов, Илғор Асадов, Маликабону Мирзаева, Элзара Умерова, Гулмира Исмаилова ва Роза Тўхтарбоева мусобақанинг олтин медалини қўлга киритди.

Вазни 62 кг. бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Сарбон Эрназаров қирғизистонлик Элдиёр Жарқинбой ўғли ва россиялик Баҳодир Бакиевни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувларда афғонистонлик Саид Камолитдин Таҳойини энгди ва шохсупанинг энг

юқори поғонасини банд этди.

Ҳамюртларимиздан самбо бўйича жаҳон чемпиони Элдор Ғуломов ва икки карра Осиё чемпиони Дамир Муҳидов ҳам ўз вазн тоифасида олтин, Зариф Расулов кумуш медали билан тақдирланди.

Шунингдек, қозғистонлик Ерболат Ербосинов, Нурлан Жамолов, қирғизистонлик Тилак Мусо ўғли ва тожикистонлик Фурқат Назриев ҳам олтин медалга сазовор бўлди.

Самбо бўйича эркалар ўртасидаги баҳсларда тўрт олтин ва бир кумуш медални қўлга киритган ҳамюртларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида ҳам ҳамюртларимиз юқори натижаларни қайд этди. Шоҳида Назарова, Нарғиза Тоштемирова, Шоҳиста Сафарова, Элзара Умерова ва Дилфуза Шарипова кумуш медални қўлга киритган бўлса, Гулмира Исмаиловага бронза медали насиб этди.

## ● Футбол

## Таркиб маълум

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бош мураббийи Алексей Евстафеев Жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Мексикага борадиган футболчилар рўйхатини эълон қилди. Терма жамоамиз Мексикада ўзининг дастлабки учрашувини 19 июн кuni Янги Зеландияга қарши ўтказди. Осиё чемпионатининг финал ўйинида қизил карточка олиб, майдондан четлатилган Сардор Раҳмонов ва Аббосбек Махсталиев ушбу беллашувни дисквалификация туғайли ўтказиб юборади.

Куйида Мексикага борадиган ёш футболчиларимиз рўйхати билан танишасиз:

### ДАРВОЗАБОНЛАР:


1. Фанишер Холмуродов 29.11.94 «Машъал» (Муборак)
2. Абдумавлон Абдулжалилов 22.12.94 «Пахтакор» (Тошкент)
3. Сергей Смородин 15.02.94 «Пахтакор» (Тошкент)

### ҲИМОЯЧИЛАР:

4. Сардор Раҳмонов 09.07.94 «Машъал» (Муборак)
5. Жавлон Мирабдуллаев 19.03.94 «Бунёдкор» (Тошкент)
6. Муҳсинжон Убайдуллаев 15.07.94 БЎСМ (Қўқон)
7. Мирзамурод Жўрабоев 31.05.94 «Насаф» (Қарши)
8. Равшанжон Ҳайдаров 01.06.94 РОЗК (Тошкент)
9. Асилжон Мансуров 04.08.94 ФМИ (Янгиер)
10. Ҳасан Асқаров 17.04.94 «Бунёдкор» (Тошкент)

### ЯРИМ ҲИМОЯЧИЛАР:

11. Аббосбек Махсталиев 12.01.94 РОЗК (Тошкент)
12. Сардор Собирхўжаев 06.11.94 «Пахтакор» (Тошкент)
13. Давлатбек Ёрбеков 27.09.94 БЎСМ (Фарғона)



14. Бобур Давлатов 01.03.96 «Машъал» (Муборак)
15. Азизбек Муротов 21.01.94 «Бухоро» (Бухоро)
16. Холмурод Холмуродов 29.06.94 «Машъал» (Муборак)
17. Дийёр Усмонхўжаев 07.02.94 РОЗК (Тошкент)

### ҲУЖУМЧИЛАР:

18. Тимур Ҳакимов 23.08.94 «Пахтакор» (Тошкент)
19. Жасурбек Ҳакимов 24.05.94 РОЗК (Тошкент)
20. Нодирхон Камолов 22.10.94 РОЗК (Фарғона)
21. Забиҳилло Ўринбоев 30.03.95 «Бунёдкор» (Тошкент)

## Рақибимиз — «Чонбури»

Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида ОФК кубогининг кейинги босқич учрашувларига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, Қаршининг «Насаф» жамоаси чорак финалда Таиланднинг «Чонбури» клуби билан куч синашадиган бўлди.

Демак, қуръа натижалари куйидагича:  
ОФК Кубоги  
1/4 финал.

1-чорак финал: «Персипура» (Индонезия) — «Ар-

бил» (Ироқ)

2-чорак финал: «Чонбури» (Таиланд) — «Насаф» (Ўзбекистон)

3-чорак финал: СК «Кувайт» (Кувайт) — «Муантонг Юнайтед» (Таиланд)

4-чорак финал: «Ал-Вихдат» (Иордания) — «Духок» (Ироқ)

Чорак финалнинг биринчи учрашувлари 13-14 сентябр, жавоб учрашувлари эса 27-28 сентябрда бўлиб ўтади.

Ярим финалда 1-чорак финал голиби 3-чорак фи-

нал голиби билан, 2-чорак голиби эса, 4-чорак финал голиби билан беллашади. Агар «Насаф» ярим финалда чиқадиган бўлса, «Ал-Вихдат» — «Духок» жуфтлиги голибига қарши майдонга чиқади.

Ярим финалнинг биринчи учрашувлари 4-5 октябр кунлари, жавоб учрашувлари эса 18-19 октябр кунлари бўлиб ўтади.

Борди-ю «Насаф» финалга чиқса, финал учрашуви Қаршида ўтказилади.



Юртимизда барча спорт турлари каби муайтай ҳам тезкор суръатларда ривожланмоқда. Яқинда Австралиянинг Дарвин шаҳрида ўтказилган Арафур ўйинларида вакилларимиз 4 олтин, Эронда бўлиб ўтган Осиё чемпионати баҳсларида эса 2 кумуш, 2 бронза медални қўлга киритишган эди.



Арафур ўйинлари совриндори Жавлонбек Назаров.

## ● Муайтай

## Жаҳон чемпионати — ТОШКЕНТДА!

Яқинда «Олимпия шон-шухрати» музейида мазкур мусобақалар голибларини шарафлаш маросими ва жорий йилнинг 20-27 сентябр кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида тайёргарлик жараёнларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Муайтай билан ҳозирда 20 мингдан ортиқ спортсевар шугулланмоқда. Эришаётган муваффақиятларимиз замирида давлатимиз томонидан спортга берилаётган катта эътибор ва тинимсиз меҳнат ётибди, — деди Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси раиси Шерзод Тошматов.

Дарҳақиқат, тайбокчиларимизнинг жаҳон ареналарида эришаётган галабалари мақтовга арзигулик. Шу боис ҳам Халқаро ҳаваскор муайтай федерацияси (IFMA) навбатдаги Жаҳон чемпионатини Тошкентда ўтказишга қарор қилди.

— Муайтай жароҳатлар кўп олинadиган спорт тури. У билан шугулланаётган одам нафақат жисмонан, балки руҳан ҳам юксак тайёргарликка эга бўлиши керак, — дейди 91 кг. вазн тоифасида Арафур ўйинлари олтин медални соҳиб бўлган Жобирбек Тошпўлатов. — Навбатдаги жаҳон чемпионатининг Тошкентда ўтказилиши барчамизни бирдай хурсанд қилди. Тайёргарликни 28 июндан бошлаймиз. Табиийки, ўз уйимизда мағлубиятга учрамасликка жон-жаҳдимиз билан ҳаракат қиламиз.

Матбуот анжуманидан сўнг тайбокчиларимиз фаолиятдан тайёрланган видеороликлар намойиш этилди, спортчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Эслатиб ўтамиз, муайтай бўйича Ўзбекистон биринчилиги 6 июлда Самарқанд шаҳрида старт олади. Унда шохсупадан жой олган голиблар Жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

**М**амлакатимиз спортчиларининг юрт шарафини муносиб ҳимоя қилиб, Ватанимиз номини улуғлаб келаётганлиги кишига фахр-ифтихор туйғуларини бахш этади. Ана шундай мусобақаларда миллий терма жамоамиз таркибда Ўзбекистон касабаси уюшмалари вакиллари ҳам борлиги қувонарлидир. Ўтган йилнинг 12-27 ноябр кунлари Хитойнинг Гуанчжоу шаҳри мезбонлик қилган XVI Осиё ўйинларида улар спортнинг 13 тури бўйича 5 та олтин, 11 та кумуш, 16 та бронза, жами 32 медални қўлга киритганлиги кечагидек ёдимизда.

Мазкур нуфузли спорт анжуманида икки нафар енгил атлетикачимиз қўш медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобидаги муваффақиятга салмоқли ҳисса қўшган эди. Улардан бири аёллар ўртасида 100 ҳамда 200 метрга югуриш баҳсларида иштирок этган касабаси уюшма спортчиси Гўзал Хуббиевадир.

**Гўзал Хуббиева:**

# АСОСИЙ ЭЪТИБОРИМНИ «Лондон — 2012»га қаратганман

Болалар спортга турли йўллар орқали кириб келишди. Кимнингдир ота-онаси тўғаракка етаклаб борса, айрим иқтидор эгаларини мураббийлар излаб топади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, енгил атлетика бўйича Олимпиада ўйинлари иштирокчиси ва Осиё ўйинлари ғолиби, кўп карра мамлакат чемпиони Гўзал Хуббиеванинг қандай қилиб спортга, хусусан, енгил атлетикага кириб келганлиги ҳам кўпчиликни қизиқтириши табиий.

— 1988 йили мактабимизга тажрибали мураббий Анис Исаонов келган эди, — деб эслади Гўзал. — Ўша пайтлари бешинчи синфда ўқирдик. У киши спорт ҳақидаги ҳикоялари билан бизни шунчалик қизиқтириб қўйдикки, бутун синф бўлиб енгил атлетика тўғарагига қатнай бошладик. Аммо кейинчалик билсак, бу спорт тури биз ўйлаганчалик, оддий югуришдан иборат эмас экан. Қатъий тартиб асосида мураббий кўрсатмаларини бажариш учун баъзида соатлаб машғулларда қолиб кетардик. Кўпчилик синфдошларим бунга кўника олишмади. Орадан анча вақт ўтгач, қарасамки, бир ўзим қолибман. Бундан олдин баскетбол, сузиш бўйича машғулларда қатнашганман. Рақс тўғарагига, ҳатто хор ансамблида кўшиқ айтиб, ўз омадимни синаб кўргандим. Лекин уларнинг бирортаси енгил атлетикада мени ўзига ром этмаганлигини ҳис қилдим.

Гўзал мураббийи билан барча спортчилар орзу қиладиган йўлни босиб ўтди. Хаваскор спортчи, халқаро турнирлар совриндори ва Олимпиада ўйинлари иштирокчиси айланди. 1996 йилда Г. Хуббиева хонадонда қувончли воқеа юз берди. Фарзанди Дмитрий туғилди. Кўпчилик энди Гўзал профессионал спортдан кетса керак, деб ўйлаганди. Аёл спортчилар фарзанд кўрганда, ўз фаолиятини яқунлашгани ҳақида кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Чунки спортга қайтиш учун ҳаммасини бошидан бошлашга тўғри келади. Аммо бу қийинчиликлар Гўзални чўчита олмади. У иродаси мустақкам эканлигини намойиш этиб, нафақат катта спортга қайтди, балки Сидней Олимпиадаси йўлланмасига ҳам сазовор бўлди.

Шуни маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Гўзалнинг 100 метрга югуриш бўйича энг яхши кўрсаткичи 11.20 сониядан иборат. 60 метрга югуриш бўйича ўрнатган

Ўзбекистон рекорди (7.19 сония) ҳозиргача янгилангани йўқ.

Енгил атлетикани «Олимпия ўйинлари қироли» деб аташлари бежиз эмас. Чунки Олимпиада ўйинларида энг кўп медал ушбу спорт тури бўйича қўлга киритилади. Бир спортчи бир неча йўналиш бўйича совриндорлар сафидан жой олиши ҳам мумкин. Қолаверса, футбол, бокс, теннис, сузиш, оғир атлетика, спорт гимнастикасида бўлгани каби енгил атлетикада ҳам спортчиларнинг шуғулланиши, маҳоратини ўстириши, юксак тайёргарликка эга бўлиши учун махсус шарт-шароитлар лозим бўлмайди, катта маблағ сарфлаш талаб қилинмайди. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида спортчилар узоқ вақт фаолият олиб бориши мумкин бўлган мазкур спорт турига бўлган қизиқиш, уни омалаштиришга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам шундан. Сўнгги йилларда юртимизда бошқа спорт турлари қатори енгил атлетикани ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаёпти. Спортчиларимиз бунга жавобан жаҳон ва қитъа миқёсидаги турли мусобақаларда юксак натижаларга эришиб, билдирилган ишонччи оқлашмоқда.

Одатда аёлларнинг ёши ҳақида унчалик кўп гапирилавермайди. Бироқ «Гуанчжоу — 2010» баҳсларини шарҳлаб борган кўплаб журналистлар ўзбекистонлик 34 ёшли спринтернинг ўзидан анча ёшроқ, ҳатто бир неча ўн ёш кичик атлетлар билан бўлган баҳсда қайд этган натижаларидан беҳад ҳайратланишди. Спортда ёшлик шижоати муҳим. Бироқ фақат интилиш ёки кучли хоҳиш эвазигагина муваффақият қозониш мумкин. Руҳий ва жисмоний тайёргарлик, иқтидор ҳам ғалаба учун талаб этиладиган бирламчи омиллардан. Аммо буларнинг барчаси тажриба ва маҳорат билан уйғунлик ҳосил қилмас экан, кутилган натижа қўлга киритилмайди. Ўн олтинчи марта қитъа Олимпиадасида спортчимиз бунга яна бир карра исботлади.

Гўзал Хуббиева иштирок этган мусобақалар, уларда қайд этилган натижалар, шахсий коллекциясидан ўрин олган мукофотлар, медаллар ҳақида кўпчилик билишни истайди, албатта. Эришилган ютуқлар кўплигини инobatга олиб, унинг сўнгги йиллардаги фаолиятига назар ташлашни лозим топдик.

2009 йил Гўзал учун ниҳоятда омадли келди. Дастлаб Хитой Тайпейда ўтказилган Хал-

қаро енгил атлетика федерациясининг (IAAF) Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақасида у 100 метрга югуриш баҳсларида энг яхши — 11.72 сония натижа кўрсатиб, олтин медални қўлга киритди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Ҳиндистонда ўтказилган яна бир Гран-прида 100 метрга югуришда Хитой Тайпейда қайд этган натижасини яхшилашга муваффақ бўлди. У бу сафар маррани 11.70 сонияда босиб ўтиб, яна ғалаба қозонди.

Хитойда ўтказилган Осиё Гран-присининг 100 метрга югуриш баҳсларида Гўзал Хуббиева қитъамизнинг энг тезкор югурувчиларини ортда қолдирди ва икки марта шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Спортчимиз Куншан шаҳрида ўтказилган мусобақада ҳам, Гонконгда ҳам рақибларидан ҳар жабҳада устунлигини намойиш этди. Мазкур мусобақаларда ғолиб бўлиш билан бирга, қимматли рейтинг очколарига эга бўлган Гўзал Германиянинг Берлин шаҳри мезбонлик қилган енгил атлетика бўйича XII жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Умуман олганда, Гўзал Хуббиеванинг кўплаб мусобақаларда қўш медал соҳибаси бўлгани аҳамиятга молик. Таиланд пойтахти Банкок ва Ҳиндистоннинг Гувасахи провинциясида ўтказилган Халқаро енгил атлетика федерациясининг (IAAF) Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақаларида у ана шундай натижаларни қайд этди.

Жорий йилда у Ҳиндистоннинг Нью-Дехли шаҳрида енгил атлетика бўйича «Осиё барча юлдузлари» деб номланган йирик халқаро мусобақанинг 100 метрга югуриш баҳсларида 11.63 сония натижа кўрсатиб, олтин медал билан тақдирланди. Бундан ташқари, мамлакат миқёсидаги турнирларда кетма-кет зафар кучиб, ажойиб спорт формасида эканлигини амалда намойиш қилди. Натижада, Осиё ўйинларида ҳам қисқа масофаларга югуришда Афина ва Пекинда ўтказилган ёзги Осиё ўйинлари иштирокчисининг юксак маҳорати ва кўп йиллик тажрибасига ишонилди.

«Гуанчжоу — 2010»га Г. Хуббиева қитъа Олимпиадасининг амалдаги чемпиони сифатида ташриф буюрди. Тўрт йил муқаддам Қатарнинг Доҳа шаҳри мезбонлик қилган XV Осиё ўйинларида у юз метрга югуриш баҳсларида энг юқори натижа кўрсатган эди. Шу боис

спортчимизнинг бу галги баҳслардаги иштироки кўпчиликни қизиқтирди. «Aoti Main Stadium»да ўтказилган спринт мусобақасининг саралаш баҳсида 11.54, ярим финалда 11.36 сония натижаларини қайд этиб, гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаган ҳолда финалга йўлланма олди. Финалда эса янада яхшироқ кўрсаткичга эришди — 11.34. Аммо бу натижа вакилимизнинг Осиё ўйинларининг икки карра ғолиблигини қўлга киритиши учун етарли бўлмади. Япониялик Чисато Фукушима Ўзбекистонлик атлетни сониянинг юздан бирига (11.33) ортда қолдириб, олтин медални ўзиники қилиб олди. Ҳамюртимизга кумуш, марра чизигини учинчи бўлиб босиб ўтган вьетнамлик Хуонг Ву Зига бронза медали насиб этди. Шу ўринда эътиборингизни «Доҳа — 2006»да ушбу масофага югуришда қайд этилган натижага қаратмоқчимиз. Ушунда Гўзалнинг юз метрга югуришда олтин медални қўлга киритиши учун 11.38 сония етарли бўлганди. Кўриниб турибдики, у тўрт йил давомида машғулларда ўз устида ишлаган, Хитойда аввалги натижаларига нисбатан яхшироқ кўрсаткичга эришганига қарамай, чемпионликни қўлга кирита олмади. Бу эса йилдан-йилга рақобат кучайиб, спортчиларнинг маҳорати юксалиб бораётганини англатади.

Спортчимиз XVI Осиё ўйинларининг 200 метрга югуриш баҳсларида ҳам қатнашди. Мазкур масофа бўйича у олдинги қитъа Олимпиадасида 23.54 вақт ичида маррага иккинчи бўлиб етиб келган ва кумуш медални қўлга киритган эди. Хитойдаги мусобақада у саралашда 24.17 натижа билан ўз гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, финалга йўл олди. Ҳал қилувчи баҳсда яна ўша Чисато Фукушима спортчимизга асосий рақиб бўлди. Кунчиқар юрт вакили бу сафар ҳам олтин медални бегона қилмади. 23.87 сонияда белгиланган маррага етиб келган Хуббиева бронза медали билан кифояланди.

Дарвоқе, яқинда Хитойда бўлиб ўтган Осиё Гран-при мусобақасида муваффақиятли иштирок этган ҳамюртларимиз бешта медални қўлга киритди. 100 метрга югуриш баҳсларида қатнашган тажрибали спортчимиз Гўзал Хуббиева маррага биринчи етиб келиб, олтин медалга сазовор бўлди. Баланд-

ликка сакрашда Светлана Радзивил шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. 800 метрга югуришда Анна Сидорова кумуш медал билан тақдирланган бўлса, уч хатлаб сакраш баҳсида Александра Котлярова ва Анастасия Журавлева иккинчи ва учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Ҳа, эришилган ютуқлар сони ва салмоғи бўйича кўплаб енгил атлетикачилар Гўзал Хуббиевага ҳавас қилиши, шубҳасиз. Унинг шу ёшда ҳам юксак шижоат ва матонат билан мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб келаётгани эса таҳсинга лойиқ. Бироқ спортчимиз бу билан чекланиб қолмоқчи эмас. Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларида юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиш унинг асосий мақсади.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2009 йил 5 январда «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йилда Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги қарори эълон қилинган эди, — дейди Гўзал Хуббиева. — Унга кўра, спортчиларимизнинг Лондон Олимпиадасига тайёргарлик кўриш жараёни икки босқичдан иборат этиб белгиланган бўлиб, ушбу қарор юзасидан амалга оширилган ишларнинг биринчи босқичи 2008 — 2010 йилларни ўз ичига қамраб олди. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз спортчилари турли халқаро турнирлар, жаҳон ва Осиё чемпионатлари, Осиё ўйинлари, Олимпиада мусобақаларида муваффақиятли иштирок этди. Мазкур Олимпиада баҳсларида тайёргарлик жараёнининг иккинчи босқичи жорий йилнинг январ ойидан 2012 йилнинг ўрталарига, яъни Олимпиада ўйинлари бошлангунга қадар этиб белгиланган. Ўйлайманки, иккинчи босқичда ҳам мамлакатимиз спортчилари турли нуфузли спорт тадбирларида муваффақиятли иштирок этиб, Лондонда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади. Шу жумладан, мен ҳам бор куч-ғайратим ва эътиборимни «Лондон — 2012»га қаратганман.

**Нарзулла МАХАМОВ,**  
«Ishonch» муҳбири





(Давоми. Боши 1-бетда)

Федерация кенгаши томонидан тизимдаги маданият муассасаларининг болалар бадиий жамоалари ўртасида илк бор ташкил этилган «Истиқлол гунчалари» кўрик-танлови уч босқичли бўлиб, биринчиси маданият муассасаси бўлган корхона, ташкилот, муассаса касаба уюшма кўмитаси томонидан барча маданият саройларида 10 майгача, иккинчиси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридаги ташкилотлар ҳамда тасарруфда маданият муассасаси бўлган касаба уюшма Марказий кенгаши томонидан 15 майгача ўтказилди. Учинчи, республика босқичида эса етти йўналиш бўйича 218 нафар иштирокчи қатнашмоқда.

Танловни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева очиб, санъатимиз гунчаларига омад тилади. Ҳакамлар ҳайъати таништирилган, қатнашчиларнинг ижрочилик маҳора-

# Истиқлол гунчалари кўрик-танлови якунланди

ти, куй-қўшиқлари мазмуни, сахна маданияти эътиборга олиниши яна бир бор таъкидланди.

— Болалар — умидимиз гунчалари. Уларни мустақиллик туфайли тикланаётган

лик, якка ва жамоавий рақс ижрочилиги йўналишлари бўйича чиқишлар 5 баллик тизимда баҳолаб борилди. Айниқса, Учтепа туманидаги 328-МТМ «Хумо» ашула ва рақс дастаси тарбияланувчиси Шарофиддин Файзуллаев якка чолғуда ўзбек халқ куйи «Янги тановар»ни шундай

нинг «Нихол» ўзбек халқ чолғу оркестри, миллий созандачиликда ҳам «Фарҳод»нинг «Садо» карнай-сурнай ва доира гуруҳи биринчиликини кўлга киритди. Шунингдек, эстрадада Марказий темирйўлчилар маданият саройи «Сезам» эстрада тўғраги аъзоси

Элбек Мансуров, жамоавий рақсда ҳам темирйўлчиларнинг «Жасмин» болалар шарқ рақс дастаси, якка рақсда «Ўзметкомбинат» ОАЖ Муҳамедов номли маданият саройи «Парвоз» тўғраги аъзоси Шоҳсанам Абдужалилова голиб деб топилди.

Барча қатнашчилар ташкилотчи ва ҳомийларнинг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**  
«Ishonch» мухбири



қадриятларни эъозлаш, санъатга жалб этиш орқали комил инсон бўлиб етишларига ҳисса қўшиш кўрик-танловнинг асосий мақсадидир, — деди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Эйтиборхон Раҳмонова. — Кўрик-танлов санъатсевар, ватанпарвар ва билимдон ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлишига ишончим комил.

Куй-қўшиқлар рақсларга уланди. Вокал, анъанавий ижро, эстрада кўшиқчилиги, якка ва ансамбл чолғу ижрочилиги, миллий созандачи-

маҳорат билан ижро этдики, у гулдурос қарсақлар билан кутиб олинди.

Ниҳоят, икки соатдан кўпроқ давом этган байрам тадбири натижалари эълон қилинди. Унга кўра анъанавий ижрода Навоий конметаллургия комбинати «Фарҳод» маданият саройи вакили Ортик Қурбонов, якка ва ансамбл чолғу ижрочилигида шу маданият саройи-



Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



**«Семуршифо» санаторийси юртдошларимизни даволанишга таклиф этади**

- Профилактика ва даволаш омиллари:
- подагра;
  - буйрак-тош касалликлари;
  - қандли диабет;
  - ошқозон-ичак касалликлари;
  - жинсий касалликлар.

**Манзил: Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Эшонгузар кўргони (Банк коллежи олдида).**

**Тел: (+99871)270-56-09, (+99897) 716-12-21**



### Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент шаҳар кенгаши жамоаси касаба уюшма фаоли, «Бош кийимлар фабрикаси» МЧЖ раҳбари

**Алишер ИСМАИЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ҳамдардлик изҳор этади.

## «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК 2011 йил 14 июл куни аукцион савдоларини ўтказди

Савдоларга Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 323-уй Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси автокорхонасининг 1983й.и.ч. д\р 10ТQ709, бошланғич нархи 3 600 000 сўм бўлган «КАМА3-5410»; 1984й.и.ч. д\р 10ТQ731, бошланғич нархи 2 250 000 сўм бўлган «ЗИЛ-130»; 1987й.и.ч. д\р 10ТQ725, бошланғич нархи 2 150 000 сўм бўлган ва 1988й.и.ч. д\р 10ТQ727, бошланғич нархи 2 250 000 сўм бўлган 2 та «ЗИЛ-ММЗ-4502»; 1989й.и.ч. д\р 10ТQ714, бошланғич нархи 3 800 000 сўм бўлган ва 1987й.и.ч. д\р 10ТQ713, бошланғич нархи 3 700 000 сўм бўлган 2 та «МАЗ-54322»; 1991й.и.ч. д\р 10ТQ754, д\р 10ТQ753, бошланғич нархи 2 300 000 сўмдан; 1989й.и.ч. д\р 10ТQ750, бошланғич нархи 2 200 000 сўм ҳамда 1986й.и.ч. д\р 10ТQ756, 1987й.и.ч. д\р 10ТQ755, бошланғич нархи 2 150 000 сўмдан; 1987й.и.ч. д\р 10ТQ757, бошланғич нархи 2 250 000 сўм бўлган 6 та «ГАЗ-53»; 1990й.и.ч. д\р 10ТQ747, д\р 10ТQ748, д\р 10ТQ749, бошланғич нархи 2 250 000 сўмдан бўлган 3 та «ГАЗ-3307»; 1990й.и.ч. д\р 10ТQ701, бошланғич нархи 1 650 000 сўм бўлган «УАЗ-3151»; 1991й.и.ч. д\р 10ТQ743, 1988й.и.ч. д\р 10ТQ742, бошланғич нархи 1 650 000 сўмдан бўлган 2 та «УАЗ-33031»; 1984й.и.ч. д\р 10ТQ745, бошланғич нархи 1 650 000 сўм бўлган «УАЗ-469» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларга қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдориди закат пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 2021000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо куниди сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган куйидаги манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16-«А»уй.

Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта: P-A\_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «OZIQ-OVQAT MOLLARI» ОАЖнинг д\р 10АЕ200 бўлган «ЗИЛ 431410» — 1 600 000 сўмга; Тошкент шаҳар Олмазор туман Гаражлар Бошқармаси ДУК балансидидаги д\р 01/668LBA бўлган «Нексия» — 9 100 000 сўмга; Давлат асиллик даражасини белгилаш палатасининг д\р 01/034ABA бўлган «ГАЗ 31029» — 2 500 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги савдо бошқармаси автокорхонасининг д\р 10ТQ734 бўлган «КамАЗ-5320» — 2 300 000 сўмга; Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонасининг д\р 10ТН249 бўлган «ГАЗ-3102» — 7 600 000 сўмга; Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат Фельдьеерлик хизматининг д\р 01/064КАА ва 01/065КАА бўлган 2 та «Дамас» — 4 800 000 сўмдан ҳамда Юнусобод тумани, Ҳасанбой мавзеси, ТХАЙда жойлашган сатхи 0,04га бўлган 4 та ер участкаси 5 100 000 сўмдан ва 4 та ер участкаси 5 500 000 сўмдан сотилганлигини «OZIQ-OVQAT MOLLARI» ОАЖнинг д\р 10АО108 бўлган «ЗИЛ ММЗ 45022»; д\р 10АО164 бўлган «ГЗСА 1891»; д\р 10АО113 бўлган «ГАЗ 5312»; д\р 10АО107 бўлган «ГАЗ 3307»; д\р 01/596FAA бўлган «СМК 14» русумли автотранспорт воситалари савдолардан олинганини маълум қилади.

Газетанинг навбатдаги сони 14 июн, сешанба куни чиқади.



**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир:**  
Абдуҳолик АБДУРАЗЗОҚОВ

**Тахрир ҳайъати:**  
Normamat ALLAYOROV,  
Nosirxon AKBAROV,  
Muhammad Ali AHMEDOV,  
Oksana BELAUSOVA,  
Dovud MADIYEV  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Baxtiyor MAHMADALIYEV,  
Sog'indiq NIYETULLAYEV,  
Eson RAJABOV,  
To'liqin TESHABOYEV,  
Jahongir SHAROFBOYEV  
(Mas'ul kotib),  
Anvar YUNUSOV

**Бизга кўнғироқ қилинг:**  
Котибият: 256-52-78  
Хатлар бўлими: 256-85-43

**Вилоят мухбирлари:**  
Андижон + 99897 465 05 68;  
Бухоро + 99893 653 50 81;  
Жиззах + 99872 360 00 10;  
Навоий + 99893 725 46 40;  
Наманган + 99897 491 79 27;  
Самарқанд + 99866 933 25 04;  
Сурхондарё + 99897 458 05 07;  
Фарғона + 99891 679 32 79;  
Қашқадарё + 99897 414 30 78  
Қорақалпоғистон Республикаси  
ва Хоразм + 99862 562 56 75;

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

**Манзилимиз:**  
100165, Тошкент шаҳри,  
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.  
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

**Сотувда эркин нархда**  
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар h белгиси остида чоп этилади.  
E-mail: [Ishonch2011@gmail.com](mailto:Ishonch2011@gmail.com)

«Шарҳ нашрият-матбаа акциядорлик компанияси босмақилида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй. ISSN 2010-5002

**Навбатчи муҳаррир:**  
Ф.Мамашарипов

**Навбатчи:**  
А.Арслонов  
**Мусаҳҳих:**  
С.Шодиева  
**Саҳифаловчи-дизайнер:**  
Ҳ.Абдужалилов  
**Босишга топшириш вақти - 21.00**  
**Топширилди - 22.00**  
**Буюртма Г— 651**  
**Тиражи: 19766**  
1 3 4 5